



USAID
AMERIKA XALQIDAN




O'zbekiston
kasaba
uyushmalari
Federatsiyasi



ГЕНДЕРГА ОИД АУДИТ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

ПРАКТИЧЕСКОЕ ПОСОБИЕ ПО ПРОВЕДЕНИЮ ГЕНДЕРНОГО АУДИТА





USAID
AMERIKA XALQIDAN



ГЕНДЕРГА ОИД АУДИТ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент
«Akademnashr»
2024

УЎК: 316.346.2:34(575.1)

КБК: 60.55(5Ў)+67(5Ў)

X 23

Фируза Хамдамова, Нодира Гаибназарова, Камола Алиева.

Гендерга оид аудит ўтказиш бўйича амалий қўлланма [Матн] / Ф.Хамдамова, Н.Гаибназарова, К.Алиева. – Тошкент: Akademnashr, 2024. – 192 б.

Қўлланма гендерга оид аудит ўтказиш масалаларида хабардорликни ошириш мақсадида ишлаб чиқилган. Унда гендерга оид аудитнинг мақсад ва вазифалари, уни ўтказиш тамойиллари ва босқичлари тўғрисида ахборот тақдим этилган. Қўлланмада халқаро ва хорижий тажрибани ўрганишга алоҳида эътибор берилган. Шу билан бирга, Ўзбекистонда гендерга оид аудитни ривожлантириш соҳасида қабул қилинаётган чора-тадбирлар ҳам ёритилган.

Ушбу қўлланма гендерга оид аудит ўтказувчи касаба уюшмалари ташкилотлари, шунингдек, гендерга оид аудит ўтказиладиган ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, экспертлар ва бошқа манфаатдор шахсларга мўлжалланган.

Мазкур нашр АКШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) орқали кўрсатилган Америка халқининг ёрдами асосида яратилган. Маҳсулот мазмуни бўйича масъулият Tetra Tech DPKга юклатилади ва USAID ёки АКШ ҳукумати расмий нуқтаи назарини акс эттириши шарт эмас.

Муаллифлар:

Фируза Хамдамова – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, гендер тенглик бўйича эксперт

Нодира Гаибназарова – техника фанлари бўйича фалсафа доктори, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси бўлим бошлиғи

Камола Алиева – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, Тошкент давлат юридик университети кафедра доценти в.б.

Рецензентлар:

Қудратилла Рафиқов – Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси раиси

Лола Саидова – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти бош илмий ходими, юридик фанлар доктори, профессор

Қўлланма USAIDнинг Ўзбекистондаги Ҳуқуқий ислохотлар дастури кўмагида тайёрланди.

ISBN 978-9910-759-41-3

© Ф.Хамдамова, Н.Гаибназарова, К.Алиева.
«Гендерга оид аудит ўтказиш бўйича амалий қўлланма»
© «Akademnashr», 2024

МУНДАРИЖА

СЎЗБОШИ 5

КИРИШ 7

1-БОБ. ГЕНДЕРГА ОИД АУДИТ САМАРАЛИ ГЕНДЕР СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

- 1.1. Меҳнат соҳасида гендер тенгликни таъминлаш барқарор
ривожланишга эришиш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор
вазифаси сифатида 10
- 1.2. Гендерга оид аудит ўтказиш бўйича халқаро стандартлар ва меҳнат
соҳасида гендер тенгликни таъминлашга оид миллий қонунчилик 14
- 1.3. Ўзбекистонда меҳнат соҳасида хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш
ва гендер тенгликни илгари суриш бўйича чоралар 20

2-БОБ. ГЕНДЕРГА ОИД АУДИТ ЎТКАЗИШНИНГ МЕХАНИЗМИ ВА МЕТОДИКАСИ

- 2.1. Гендерга оид аудит тушунчаси, мақсад ва вазифалари 24
- 2.2. Гендерга оид аудит ўтказиш тамойиллари. Гендерга оид аудит
ўтказиш самарадорлигининг кафолатлари 30
- 2.3. Гендерга оид аудит ўтказиш босқичлари 31
 - 1. Тайёрлов босқичи 34
 - а) гендерга оид аудит ўтказиш жараёнини режалаштириш 34
 - б) гендер-ҳуқуқий экспертиза гендерга оид аудит жараёнининг
бир қисми сифатида 34
 - в) гендер статистикаси гендерга оид аудит ўтказиш жараёнидаги
энг муҳим восита сифатида 38
 - 2. Асосий босқич 40
 - 3. Яқуний босқич 41
- 2.4. Гендерга оид аудит ўтказиш яқунлари бўйича келгуси
чора-тадбирлар 42
- 2.5. Ўзбекистонда гендерга оид аудит ўтказишни ташкил қилиш 43

3-БОБ. ГЕНДЕРГА ОИД АУДИТ ИШ ЖОЙИДАГИ ШИЛҚИМЛИККА БАРҲАМ БЕРИШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШНИ КАФОЛАТЛАШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

3.1. Иш жойида шилқимлик билан курашиш бўйича халқаро стандартлар	52
3.2. Иш жойида шилқимликка барҳам бериш Ўзбекистонда гендерга оид аудитни ўтказишдаги вазифалардан бири сифатида	57

ИЛОВАЛАР

<i>1-илова.</i> Хотин-қизлар меҳнат ҳуқуқларининг таъминланиши ва улар орасида тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида олиб борилаётган ишлар ҳолатини ўрганиш бўйича саволнома	64
<i>2-илова.</i> Хотин-қизлар ва касб-хунар коллежлари битирувчилари учун корхона, ташкилот ва муассасаларда ташкил этилаётган иш ўринларида меҳнат шароитлари яратилиш ҳолати бўйича саволнома	66
<i>3-илова.</i> Гендерга оид аудитни ўтказувчи мутахассислар учун амалий ўқув семинари дастури лойиҳаси.....	68
<i>4-илова.</i> Гендерга оид аудитни ўтказиш методикаси	70
<i>5-илова.</i> Давлат органлари ва ташкилотларида гендерга оид аудитни ўтказиш бўйича уч йиллик режа лойиҳаси.....	76
<i>6-илова.</i> Ишчи гуруҳ аъзолари ўртасида тармоқ зоналарининг фаолиятини тақсимлаш.....	79
<i>7-илова.</i> Меҳнат муносабатлари иштирокчиларининг ижтимоий шериклигини ўрганиш учун саволнома	80
<i>8-илова.</i> Саволномаларнинг намунавий шакллари	84
<i>9-илова.</i> Саволномада кўриб чиқилган мавзуларнинг кенгайтирилган шарҳи.....	85
<i>10-илова.</i> Хорижий тажрибадан келиб чиқиб идораларда гендерга оид аудит ўтказиш бўйича интервью учун саволлар намунаси.....	88
<i>11-илова.</i> Иш жойида шилқимликни аниқлаш бўйича гендерга оид аудит ўтказилаётган идоралар учун саволлар намунаси.....	93
<i>12-илова.</i> Гендерга оид аудит ўтказиш яқунлари бўйича намунавий ҳисобот тузилиши.....	94
<i>13-илова.</i> Гендерга оид аудит ўтказиш яқунлари бўйича келгуси чора-тадбирлар режасининг намунавий шакли.....	95
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	96

СЎЗБОШИ



Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга қаратилган самарали гендер сиёсати амалга оширилмоқда.

2022 йил Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларнинг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига гендерга доир комплекс ёндашув ва гендерга оид аудитга доир муҳим қўшимчалар киритилгани билан эътиборга мо-

лик. Қонунга ушбу ўзгартишлар гендер сиёсати самарадорлигини ошириш ва кўрилатган чора-тадбирларни аниқлаштириш мақсадида киритилди.

Гендерга оид аудит гендер жиҳатларини инобатга олган ҳолда хотин-қизларнинг меҳнат ва бандлик соҳасидаги имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиб, меҳнат ва бандлик соҳасида давлат сиёсатини такомиллаштириш, умуман, гендер сиёсатини такомиллаштиришга амалий ёрдам кўрсатишга қаратилган.

Қисқа муддатли истиқболда гендерга оид аудитни ўтказиш барча давлат органлари ва ташкилотларида **гендер сиёсатидан хабардорликни оширишга** ва давлат идораларининг барча вакилларини гендер масалалари бўйича ўқув жараёнига жалб этишга ёрдам беради. Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) тавсияларига кўра, гендерга оид аудитни ўтказишда энг муҳим тамойил кенг иштирок этиш тамойили, яъни гендерга оид аудитни ўтказиш жараёнига барча идоралар вакилларини жалб қилишдир. Гендерга оид аудит давомида гендер тенглиги масалалари бўйича ўқув семинари ўтказиш режалаштирилган бўлиб, унда барча идоралар ходимлари кенг иштирок этиш тамойилига мувофиқ қатнашишлари шарт.

Ўрта муддатли истиқболда гендерга оид аудитни ўтказиш барча идораларда **гендер кенгашларини тузиш ва гендер стратегиялари ҳамда йўл**

хариталарини қабул қилишга ҳисса қўшади. Бугунги кунда бу амалиёт босқичма-босқич ривожланиб бормоқда ва қатор идораларда аллақачон гендер кенгашлари тузилиб, гендер йўл хариталари қабул қилинган. Гендерга оид аудитни ўтказиш ушбу жараёни тезлаштириши ва самарадорлигини ошириши мумкин, чунки гендер аудиторлари йўл хариталарини ишлаб чиқишда амалий ёрдам кўрсатишади.

Узоқ муддатли истиқболда гендерга оид аудитни ўтказиш гендер сиёсатидан хабардорликни ошириш ва ҳар бир муассасада гендер стратегиялари ва кенгашларнинг мавжуд бўлиши орқали **гендерга доир комплекс ёндашувни таъминлашга** ёрдам беради.

Гендерга доир комплекс ёндашувни жорий этиш орқали мамлакатда гендер сиёсати учун фақат битта орган ёки идора масъул деган тор тушунчадан босқичма-босқич воз кечиб, гендер сиёсатини ва **барча даражаларда гендер тенглигини таъминлаш учун масъулиятни англаш** ҳамда гендер сиёсатни амалга оширишга барча идораларни жалб қилишни чуқурроқ англашга эришилади.

Ушбу қўлланма гендер аудиторлари учун амалий кўрсатмалар беради. Қўлланмада гендерга оид аудитни ўтказиш жараёни, уни амалга ошириш бўйича тавсиялар баён этилган, халқаро тажриба тақдим қилинган. Ўзбекистонда гендерга оид аудитни ўтказишнинг ҳуқуқий асослари ва уни амалга ошириш механизмларига шарҳ берилган. Бундан ташқари, намунавий сўровнома ва анкеталар кўринишидаги иловалар мавжуд бўлиб, бу унинг амалий аҳамиятини оширади.

Қўлланма ушбу мавзу бўйича биринчи нашрлардандир. Шубҳасиз, гендерга оид аудитни ўтказиш бўйича тажриба тўпланиб боргани сари, амалиёт бойитилади, механизмлар такомиллаштирилади ва маълум вақтдан сўнг ушбу қўлланмани қўшимча ва ўзгартиришлар билан яна қайта нашр этиш зарурати туғилади. Бироқ гендерга оид аудит ўтказиш амалиётининг дастлабки босқичида ушбу қўлланма гендер аудиторлари учун маълумотнома бўлиши, шунингдек, ўқув материали сифатида ишлатилиши ва гендерга оид аудит бўйича онлайн курсни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Танзила Нарбаева,

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси,
Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси Раиси

КИРИШ

Кейинги йилларда Ўзбекистонда гендер тенгликни илгари суриш соҳасида муайян муваффақиятларга эришилди. Халқаро стандартларга жавоб берувчи гендер сиёсатини амалга ошириш учун салмоқли ҳуқуқий база яратилди. Жумладан, «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги, «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунлар, шунингдек, 2030 йилга қадар гендер тенгликка эришиш миллий стратегияси қабул қилинди. Гендер-ҳуқуқий экспертиза ўтказиш методикаси ишлаб чиқилди.

Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитасини, Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси, Хотин-қизлар ва оила қўмитаси, Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш бўйича марказларини ўз ичига олган миллий гендер механизми мустаҳкамланмоқда. Хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Аниқ белгиланган гендер индикаторлар асосида гендер сиёсатини баҳолаш ва мониторинг қилиш тизими такомиллашмоқда. gender.stat.uz сайти яратилди, БМТнинг Минимал гендер индикаторлари тўплами асосида ишлаб чиқилган 54 та гендер индикатори жорий этилди, гендер статистикасини шакллантириш бўйича чоралар кўрилмоқда.

Гендер тенглик масалаларига бағишланган ахборот-маърифат чоратадбирлари формати ва мавзулари кенгаймоқда.

Гендер сиёсатини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган янгилликлардан бири гендер қонунчилигига гендерга оид аудит бўйича ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўлди. Гендерга оид аудит гендер сиёсатини самарали амалга ошириш ва гендерга доир комплекс ёндашувни илгари суриш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Ушбу қўлланма гендерга оид аудитни ўтказиш масалаларига бағишланган. Қўлланмада гендерга оид аудитнинг мақсад ва вазифалари, уни ўтказиш тамойиллари ва босқичлари, гендер сиёсатини такомиллашти-

ришда унинг аҳамияти, хусусан, иш жойида шилқимликнинг олдини олиш тўғрисида ахборот тақдим этилган.

Халқаро ва хорижий тажрибани ўрганишга алоҳида эътибор берилган. ХМТ ва ЕХХТнинг гендерга оид аудит ўтказиш бўйича тавсиялари кўриб чиқилган.

Ўзбекистонда гендерга оид аудитни ривожлантириш соҳасида қабул қилинаётган чора-тадбирлар ёритилган. Хусусан, гендерга оид аудитни ўтказишнинг ҳуқуқий асосларига шарҳ берилган, гендерга оид аудит ўтказишнинг тартиби ва механизми ёритилган.

Қўлланма мутахассисларнинг ушбу соҳадаги дастлабки билим ва кўникмаларини шакллантириш хусусиятидаги ахборотга эга бўлибгина қолмай, ўқув материали сифатида ҳам хизмат қилиши мумкин, чунки у гендерга оид аудит ўтказишнинг бутун жараёнини батафсил тасвирлайди ва гендерга оид аудит ўтказиш учун йўриқнома кўринишидаги зарур иловаларни ўз ичига олади.

Юқорида қайд этилганларнинг тасдиғи сифатида шуни таъкидлаш жоизки, тақдим этилган материалларнинг аксарияти ЮСАИДнинг Ўзбекистондаги Ҳуқуқий ислохотлар дастури доирасида давлат идоралари вакиллари учун ташкил этилган гендерга оид аудит масалаларига бағишланган тренингда синовдан ўтказилган. Тренинг 2023 йилнинг 11 – 12 май кунлари бўлиб ўтди. Тренинг ўқув-услубий материаллари, тренинг натижалари бўйича хулоса ва тавсиялар ушбу қўлланманинг асосини ташкил этади. Материалларнинг синовдан ўтказилганлиги қўлланманинг амалий аҳамиятини оширади.

Ушбу нашр гендер аудиторлари учун амалий қўлланмага айланишига ва гендерга оид аудит ўтказиш методикасини янада такомиллаштириш учун асос бўлиб хизмат қилишига умид қиламиз.



1-БОБ

**ГЕНДЕРГА ОИД АУДИТ
САМАРАЛИ ГЕНДЕР СИЁСАТИНИ
АМАЛГА ОШИРИШ ВОСИТАСИ
СИФАТИДА**

1.1. МЕҲНАТ СОҲАСИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШГА ЭРИШИШ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАСИ СИФАТИДА

Бугун Ўзбекистонда барқарор ривожланишни таъминлаш мақсадида жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Барқарор ривожланишнинг №1 глобал мақсади – камбағаллик ва қашшоқликка барҳам бериш. Қашшоқликни енгишнинг асосий омилларидан бири барчани муносиб иш билан таъминлаш бўлиб, бу ўз навбатида барқарор ривожланишнинг №8 глобал мақсади ҳисобланади. Барқарор ривожланишнинг глобал мақсадлари асносида Вазирлар Маҳкамасининг 21.02.2022 йилдаги «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги¹ 83-сон қарори билан айна мақсадларни эътироф этган Миллий барқарор ривожланиш мақсадлари тасдиқланди.

Барқарор ривожланишнинг №8 миллий мақсади «Самарали бандликни ошириш ҳамда эркаклар ва хотин-қизларни муносиб иш билан таъминлаш асосида барқарор ва умумқамровли иқтисодий ўсишга кўмаклашиш»дир.

Барқарор ривожланишни таъминлаш мақсадида мамлакатимизда кенг қўламли ҳуқуқий ислоҳотлар, жумладан, конституциявий-ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистоннинг янгиланган Конституциясида меҳнат соҳасида инсон ҳуқуқларининг қўшимча кафолатлари мустаҳкамланди.²

¹ Матн билан қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: <https://lex.uz/docs/5870397>

² Матн билан қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: <https://lex.uz/docs/6445147>



Ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек, ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 42-модда)



Давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш чораларини кўради.

Давлат фуқароларнинг касбий тайёргарлигини ва қайта тайёрланишини ташкил этади ҳамда рағбатлантиради.

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 43-модда)

Конституцияда ушбу масаланинг гендер жиҳатларига ва хотин-қизлар бандлиги кафолатларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.



Ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади.

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 42-модда)

Ҳомиладорлик ёки фарзанд билан боғлиқ сабабларга кўра аёлларни ишга қабул қилмаслик ёки ишдан бўшатиш, иш ҳақини камайтиришнинг конституциявий жиҳатдан тақиқланиши меҳнат бозорида ва бандлик соҳасидаги гендер тенглиги кафолатларини мустаҳкамлайди.

Шу билан бирга, меҳнат ва гендер қонунчилиги халқаро стандартлар ва илғор тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда тизимли равишда такомиллаштирилаётганига қарамай, амалда меҳнат бозорида гендер тенгсизлиги кузатилмоқда. ХМТ бундай тенгсизликнинг куйидаги кўринишларини ажратади:

Аёлларнинг кўпчилиги болаларни парвариш қилиш ва уй ишлари билан банд бўлсалар, аксарият эркаклар ҳақ тўланадиган ишларда бандлар.

Миллий иқтисодийнинг етарлича муносиб иш ўринлари ярата олмаслиги эркакларга қараганда аёлларга кўпроқ таъсир қилади.

Аёллар асосан кичик лавозимларда меҳнат қиладилар ва болаларни парваришlash ва уй ишлари билан шуғулланадилар.

Аёллар меҳнатига камроқ ҳақ тўланади ва аёлларга хос деб ҳисобланган касбларнинг қиймати паст баҳоланади.

Хотин-қизлар жамиятдаги устувор гендер нормалари туфайли асосан оилавий мажбуриятларни бажариш билан банд бўладилар.

Улар фаолият юритадиган иш жойларининг кўпчилиги норасмий иқтисодиётга тўғри келади.

Аёллар банд бўлган расмий иш жойларининг асосий манбаи давлат сектори бўлиб қолмоқда.

Миграциянинг хотин-қизлар ва эркеклар учун аҳамияти бирдек ортиб бормоқда.³

Бунинг тасдиғи сифатида ХМТ қўйидаги статистик маълумотларни келтиради.

Иқтисодий нофаоллик даражаси меҳнатга лаёқатли аёлларда 33,1 фоизни, эркекларда 18,9 фоизни ташкил этди;

25 – 49 ёшдаги, уч ёшдан катта болалари бор ёки боласи бўлмаган аёлларнинг 50,6 фоизи ишламайди, эркеклар орасида бу кўрсаткич 5,9 фоизни ташкил этади, бу эса бола парвариши ва уй-рўзғор ишлари каби ҳақ тўланмайдиган меҳнатда аёллар кўпчиликни ташкил қилишидан далолат беради.

Аёллар кунига ўртача 5,27 соатни ҳақ тўланмайдиган уй ишларига сарфласалар, эркеклар бундай ишларга фақат 2,15 соатни сарфлайдилар. Шу билан бирга, аёллар бажарадиган уй ишларининг деярли 70 фоизига ҳақ тўланмайди, эркеклар учун бу кўрсаткич тахминан 28 фоизни ташкил қилади.

Болаларни парвариш қилиш ва уй-рўзғор ишлари билан шуғулланганларнинг 90 фоиздан ортиғини аёллар ташкил этади.

Бир йил ёки ундан кўпроқ вақт давомида ишсиз бўлган аёллар 50% ни, эркеклар эса 35% ни ташкил этади.

2021 йилда умумий иш ҳақи асосида ҳисобланган аёллар иш ҳақи эркеклар иш ҳақининг 63,4 фоизини (36,6 фоизга кам) ташкил этди.⁴

Ҳақ тўланмайдиган ва ҳақ тўланмайдиган меҳнатнинг гендер кесимида бўлиниши бандлик соҳасида эркеклар ва аёллар ўртасидаги сегрегация билан янада кескинлашмоқда, бу ҳам вертикал, ҳам горизонтал равишда кучли намоён бўлмоқда. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ХМТ муносиб меҳнат ва гендер тенглигини давлат сиёсатининг устувор мақсадига айлантиришни тавсия қилади.

³ Женщины и сфера труда в Узбекистане На пути к гендерному равенству и достойному труду для всех. 2-е издание, дополненное. МОТ, 2023. [Эл.ресурс] URL: https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---europe/---ro-geneva/---sro-moscow/documents/publication/wcms_907345.pdf

⁴ Женщины и сфера труда в Узбекистане На пути к гендерному равенству и достойному труду для всех. 2-е издание, дополненное. МОТ, 2023. [Эл.ресурс] URL: https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---europe/---ro-geneva/---sro-moscow/documents/publication/wcms_907345.pdf

Юқоридаги муаммолар Ўзбекистонда ўтказилган бошқа тадқиқотлар билан ҳам тасдиқланмоқда. Ўзбекистонлик аёлларнинг хизмат пиллапояларидан кўтарилиш йўлидаги асосий муаммоларини аниқлаш мақсадида Истиқболли халқаро тадқиқотлар институти экспертлари ишлаётган аёллар ўртасида сўровнома ўтказди. Сўровномада турли соҳаларда фаолият юритаётган 300 аёл (N=300) иштирок этди. Сўровнома 2022 йилнинг октябрь ойида ўтказилди. Респондентларнинг ёши 16 ёшдан 65 ёшгача бўлиб, уларнинг ўртача ёши 36 ёшни ташкил этди. Сўровномада олий маълумотли (68%), илмий даражага эга (13,6%), ўрта махсус маълумотли (20,6%) ва умумтаълимга эга (7%) аёллар иштирок этди. Респондентлардан 65,8% нинг 2 ёки ундан ортиқ фарзанди бор, уларнинг 25% оила қурмаган ёки ажрашган.

Сўров натижалари қуйидагиларни кўрсатди:

- респондентларнинг 68,4% аёлларнинг лавозими кўтарилиши эркекларга қараганда анча мушкул деб ҳисоблашади;
- аёллар кунига ўртача 4 соатни уй ишларига сарфлайдилар, эркекларнинг уй ишларига сарфлайдиган ўртача вақти эса бир соатга ҳам етмайди (сўровномада қатнашган аёлларнинг фикрига кўра);
- **компанияларнинг (юримдик муассасаларнинг) 3,5% да раҳбар лавозимларда аёллар йўқ;**
- **аёлларнинг қарийб 40% раҳбар лавозимларга, хусусан, иқтисодчи, юрист, молиячи ва бухгалтер каби касбларга тайинлашда афзаллик эркекларга берилади деб ҳисоблашади;**
- фарзанди йўқ ёки битта фарзанди бор аёлларнинг 26,2% фарзандлар лавозими ўсишига тўсқинлик қилмайди деб ҳисоблайди, бироқ 58,5% фарзанд кўриш тўғрисидаги қарор уларнинг карьерасида муваффақиятларга эришиш имкониятларини вақтинча чеклайди деган фикрдалар;
- аёлларнинг 62,4% фарзандларини мактаб ва боғчадан ўзлари олиб кетишади, бу эса ишдан вақтли кетиш заруриятини келтириб чиқаради, яъни бу ҳам лавозими кўтарилишида тўсиқликларга сабаб бўлади;
- аёлларнинг 45,7% иш борасида катта мақсадларни ўз олдига қўйган ва юқори лавозимларни эгаллашни режалаштирмоқда, уларнинг ўртача ёши 36 ёш, шундан 90% олий маълумотли ёки илмий даражага эга. Шу билан бирга, аёлларнинг 28% раҳбар лавозимларни эгаллашни истамасликларини билдирдилар.⁵

⁵ Ахмедова М., Амридинова Ш. Легко ли узбекской женщине сделать карьеру [Эл. ресурс] URL: <https://www.uzdaily.com/ru/post/73661>

Гендерга доир комплекс ёндашув ва кадрлар сиёсатини амалга ошириш даражасини баҳолаш воситаси сифатида гендерга оид аудитнинг жорий этилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддаси қоидаларига риоя этилишини таъминлаш ва гендер муносабатларини ривожлантириш механизми бўлиб хизмат қилади. Меҳнат бозорида тенгликни таъминлаш, хотин-қизларга оилавий вазифаларни касбий вазифалар билан муваффақиятли уйғунлаштириш учун шароит яратиш мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ва барқарор ривожланишига хизмат қилади.

1.2. ГЕНДЕРГА ОИД АУДИТ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА МЕҲНАТ СОҲАСИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК

Гендерга оид аудитни ўтказишда халқаро стандартлар, уларни хорижий давлатларда қўллаш амалиёти ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хотин-қизлар ҳуқуқлари ва гендер тенгликни илгари суриш соҳасидаги миллий қонунчиликни мукамал билиш талаб этилади.

Халқаро ҳужжатларда гендер тенгликни таъминлаш борасида гендерга оид аудит тушунчаси мустаҳкамланмаган. Гендерга оид аудит ўтказишнинг умумэътироф этилган методикаси мавжуд эмас. Лекин **ХМТнинг Гендерга оид аудитни ўтказиш бўйича қўлланмаси** ишлаб чиқилган, унда ХМТнинг фаол қатнашиш тамойилига асосланган гендерга оид аудит методологияси берилган.⁶ Ушбу қўлланма турли ташкилотлар ва муассасаларда гендерга оид аудит ўтказиш учун мўлжалланган.

Гендерга оид аудит ривожланишида **ЕХХТ/ДИИХБ** катта ишларни амалга оширмақда. Ушбу ташкилот мандатига мувофиқ, ЕХХТ/ДИИХБ фаолияти сиёсий партиялар ва парламентда гендерга оид аудитни ўтказишга қаратилган. Бугунги кунда ДИИХБ ЕХХТга аъзо 8 та давлатдаги 43 та етакчи сиёсий партияда гендерга оид аудит ўтказилишига кўмаклашди.⁷ Натижада сиёсий партиялар хотин-қизларнинг сиёсий ҳаётдаги иштирокини кенгайтириш ва ички қоидалар ҳамда таомилларда гендер жиҳатларни ҳисобга олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилдилар. Мисол тариқасида маҳаллий

⁶ Руководство по проведению гендерного аудита. Женева, МОТ, 2007. https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---europe/---ro-geneva/---sro-moscow/documents/publication/wcms_312703.pdf

⁷ ЕХХТ/ДИИХБнинг гендерга оид аудит бўйича лойиҳасининг расмий веб-сайти https://genderaudit.osce.org/ru/ru_about-gender-audit/

хотин-қизлар кенгашлари бўлинмаларининг яратилишини, аёл номзодлар учун сайловда квоталар киритишнинг қўллаб-қувватланишини, партия тузилмаларида хотин-қизлар улуши таҳлилининг ўтказилишини, гендер хусусиятларни ҳисобга олувчи тилдан фойдаланишни рағбатлантириш бўйича чоралар кўрилишини, шунингдек, партиянинг хотин-қиз аъзоларининг салоҳиятини ривожлантириш бўйича мақсадли ташаббусларни тилга олиш мумкин.⁸ ЕХХТ/ДИИХБ томонидан «**Кенг иштирок этиш асосида парламентларнинг гендерга оид аудити**» қўлланмаси ишлаб чиқилган.⁹

Гендерга оид аудит тўғрисида ахборот жойлаштирилган <https://genderaudit.osce.org/ru/> сайти ишламоқда. Ушбу сайтда ҳар қандай сиёсий партия сўровномадан ўтиши ва «ўзини ўзи баҳолаш»ни ўтказиши мумкин. Сиёсий партияларнинг гендерга оид аудити ёки «ўзини ўзи баҳолаши» бу – ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси томонидан, сиёсий партияларнинг ички жараёнлари, таомиллари, тузилмалари ва фаолиятини гендер тенглик нуқтаи назаридан баҳолаш учун ишлаб чиқилган методикадир.¹⁰



Тавсия

Рақамли технологиялар салоҳияти ва уларнинг амалиётга фаол татбиқини инobatга олиб Ўзбекистонда ҳам гендерга оид аудитни ўтказиш учун шундай сайт яратиш мақсадга мувофиқ.

Бундай сайтнинг мавжудлиги Ўзбекистонда гендерга оид аудитни ўтказиш жараёнини, жумладан, дастлабки сўров ўтказиш босқичини осонлаштирган бўларди.

Бундан ташқари, **гендер аудиторлар қуйидаги халқаро ҳужжатларни яхши билишлари керак:**

- Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Бош Ассамблеянинг 1966 йил 16 декабрдаги 2200 А (XXI) резолюцияси билан қабул қилинган.
- Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Бош Ассамблеянинг 1966 йил 16 декабрдаги 2200 А (XXI) резолюцияси билан қабул қилинган.

⁸ ЕХХТ/ДИИХБнинг гендерга оид аудит бўйича лойиҳасининг расмий веб-сайти https://genderaudit.osce.org/ru/ru_about-gender-audit/

⁹ Гендерный аудит парламентов на основе широкого участия. БДИПЧ ОБСЕ, 2021 <https://www.oscepa.org/en/documents/special-representatives/gender-issues/report-17/4566-participatory-gender-audits-of-parliaments-a-step-by-step-guidance-document-rus/file>

¹⁰ Ўзини ўзи баҳолаш сўровномаси билан қуйидаги ҳавола орқали танишиш мумкин: <https://tool.genderaudit.osce.org/ru>

- Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция, БМТ Бош Ассамблеясининг 1979 йил 18 декабрдаги 34/180 резолюцияси билан қабул қилинган.
- Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияга қўшимча протокол, БМТ Бош Ассамблеясининг 1999 йил 6 октябрдаги 54/4 резолюцияси билан қабул қилинган.
- Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш тўғрисидаги декларация, БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 йил 20 декабрдаги 48/104 резолюцияси билан қабул қилинган.
- Вена декларацияси ва ҳаракатлар дастури, Инсон ҳуқуқлари бўйича Бутунжаҳон конференциясида, Венада, 1993 йил 25 июнда қабул қилинган.
- Пекин декларацияси 1995 йил 4 – 15 сентябрда Пекин шаҳрида бўлиб ўтган Хотин-қизлар ҳолати бўйича 4-жаҳон конференциясида қабул қилинган.

Хорижий мамлакатларда гендерга оид аудит ўтказиш соҳасида муайян тажриба тўпланган. Қайд этиш керакки, гендерга оид аудит ўтказилиши бу – фуқаролик жамияти функциясидир.

Аудиторлик тадқиқотлари статистик маълумотларни яхлит ҳолатга келтириш, уларни изоҳлаш ва вазиятга эксперт баҳосини бериш имконини яратган **Шотландия тажрибаси** алоҳида қизиқиш уйғотади. Аввалбошда уни тадқиқот гуруҳлари тармоғи шаклидаги **«Engender»** ташкилотидан кўнгиллилар тайёрлаганди. Гендерга оид аудит туфайли **юқори сифатли ресурс базасини** яратишга муваффақ бўлинди.

Гендерга оид аудитлар ўтказилишида Шотландия тажрибаси коммуникатив унсурларни ўз ичига олгани сабабли ҳам «ақлли» амалиёт ўлароқ эътиборга моликдир. Хужжатни тайёрлашда қатнашган мутахассислар **жамиятдаги турли тузилмалар ва қатламлар вакиллари ўртасида мулоқот ўрнатилиши ва жамият ҳаётига хотин-қизларнинг янада кенгроқ жалб этилишига** хизмат қилдилар.

Бундан ташқари, бу фаолият **йирик стратегияларни ишлаб чиқиш учун яхшигина базани яратиш** имконини беради. Маърузалар тайёрлашда ўтказилган учрашувлар аудитга тайёргарлик жараёнида олинган кўникмалар туфайли қарорлар қабул қилишда қатнашишни истовчи аёлларнинг янги авлодини шакллантириш имконини берди.¹¹

¹¹ Элисон Е. Вудвард. Как достичь гендерного баланса. Совет Европы, май 2003. – С.73 – 74 [Эл. ресурс] URL: https://www.coe.int/t/dgap/democracy/Activities/Key-Texts/03_Summaries_of_all_Publications/GoingforGenderBalanceRussian_en.pdf

Шотландия модели Британия кенгаши томонидан инновацион модель сифатида тавсия этилди. Бундай аудит, биринчи навбатда, ўз ишига садоқатли кўнгиллилар томонидан ўтказилиши инobatга олинса, унинг натижалари ҳар доим фойдаланиш учун очиқ бўлади ва тарғибот кампаниялари, таъсир кўрсатиш, ўқитиш ва таълим бериш учун манба бўлиб хизмат қила олади.¹²

Халқаро стандартлар ва хорижий тажрибани билишдан ташқари тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни амалиётда қўллаш бўйича билим ва тажриба ҳам талаб этилади.

Ўзбекистоннинг хотин-қизлар ҳуқуқларини тартибга солувчи қонунчилик тизими Конституция ҳамда қатор қонун ҳужжатларини ташкил қиладди. Тегисли қоидалар Ўзбекистон Республикасининг барча кодексларида мавжуд.¹³

Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги¹⁴, «Аёлларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунларининг қабул қилиниши хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Кўпгина жаҳон гендер индексларида (рейтингларида) Исландия, Финляндия, Голландия, Дания ва Швеция аёллар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича энг яхши кўрсаткичларга эга бўлган етакчи давлатлардир. Ушбу мамлакатларнинг барчасида гендер тенглиги, аёлларни маиший (оилавий) зўравонликдан ҳимоя қилиш, репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш, квоталарни киритиш бўйича қонунлар мавжуд, шу жумладан, маҳаллий даражада ҳам.

Кодекс ҳамда гендерга оид махсус қонунлардан ташқари хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган, қонун ва қонуности ҳужжатлар шаклида қабул қилинган кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг хотин-қизлар ҳуқуқларига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини биринчи бобда келтирилган хотин-қизлар

¹² Аудитнинг сўнги талқинини Интернетда кўриш мумкин: <http://www.engender.org.uk>

¹³ Меҳнат кодексига ҳомиладор аёлларни, уч ёшгача бўлган боласи бор аёлларни, коллеж, лицей ва олий ўқув юртлири битирувчиларини ишга қабул қилишда синов муддатидан озод қилишни назарда тутувчи нормалар киритилди. Оила кодекси бола вояга етгунга қадар бўлган давр учун алиментни, олдиндан, шу жумладан, кўчмас ёки кўчар мол-мулк ёки бошқа қимматбаҳо нарса-ларни бериш орқали тўлаш имконияти тўғрисидаги қоида билан тўлдирилди. Ажрашган тақдирда эр-хотиннинг ҳар иккаласининг ҳуқуқларини кафолатловчи мулкни бўлиш тартиби белгиланди. Жиноят кодексига никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги моддалар киритилди.

¹⁴ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.09.2019 г., №03/19/562/3681. Қонуннинг электрон версияси <https://lex.uz/docs/4494873> да мавжуд.

ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар таснифига ўхшаш тарзда таснифлаш мумкин. Яъни аёллар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик бўйича қуйидаги йўналишларни ажратиб кўрсатишимиз мумкин: оналикни муҳофаза қилиш, оила ва никоҳ муносабатларида аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аёлларни зўравонликдан ҳимоя қилиш, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий соҳа ва давлат бошқарувидаги фаол иштирокини таъминлаш, меҳнат соҳасидаги имкониятларини кенгайтириш.

Оналикни муҳофаза қилиш соҳасида 2017 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2018 – 2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Бундан ташқари, 2019 йилда «Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида»ги¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ ишлаб чиқилган. 2022 йил 25 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 – 2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида»ги¹⁶ ПҚ-216-сон қарори қабул қилинди.

Оилани мустаҳкамлаш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2023 йил 25 декабрдаги ПФ-208-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3808-сон қарори қабул қилинди.¹⁷

Хотин-қизларнинг меҳнат ва бандлик соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»¹⁸

¹⁵ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.03.2019 й., №03/19/528/2741. Қонуннинг электрон версияси <https://lex.uz/docs/4233891> да мавжуд.

¹⁶ Ҳужжат матни билан <https://lex.uz/en/docs/5980203> да танишиш мумкин.

¹⁷ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 29.06.2018 г., №07/18/3808/1410. <https://lex.uz/docs/3797625>.

¹⁸ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 09.03.2019 г., №07/19/4235/2727. <https://lex.uz/docs/4230944>.

2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4235-сон қарори қабул қилиниши муҳим қадам бўлди. Ушбу қарорнинг муҳим жиҳати шундаки, у аёллар учун тақиқланган касблар рўйхатини қайта кўриб чиқиш ва уни янгилашни назарда тутди. Бу масала мунозарали ҳисобланади. Бироқ ҳозирги вақтда иш билан таъминлашнинг кўплаб соҳалари ахборот технологиялари билан модернизация қилинганлиги сабабли, уларда аёлларнинг фаолият юритиш имконияти пайдо бўлди.

Таълим соҳасида аёллар учун имкониятларни кенгайтириш чораларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил июндаги «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги ПФ-2326 сонли Фармонида 2024 йил 7 февралдаги ПФ-34 сон Фармон билан ўзгартиришлар киритилди.¹⁹ Унга кўра, эндиликда Зулфия номидаги Давлат мукофоти ахборот технологиялари соҳасида алоҳида муваффақиятларга эришган иқтидорли қизларга ҳам бериладиган бўлди.

Хотин-қизларнинг мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги ролини ошириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2023 йил 12 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги²⁰ 883-сон Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига ўзгартиришлар киритилди. Унга кўра, аёлларнинг сони бир мандатли сайлов округлари бўйича, шунингдек, партия рўйхати асосида сиёсий партиядан кўрсатилган депутатликка номзодлар сонининг камида қирқ фоизини ташкил этиши кераклиги, шунингдек, партия рўйхатидаги кетма-кетликда камида ҳар беш нафар номзоднинг икки нафари аёл киши бўлиши лозимлиги белгиланди.

Хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш соҳасида Ўзбекистон миллий қонунчилигини такомиллаштиришнинг яна бир йўналиши аёлларни зўравонликдан ҳимоя қилишдир. Шундай қилиб, 2017 йил 6 июлда жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича идоралараро комиссия томонидан «2017 – 2018 йилларда оиладаги зўравонликнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси» тасдиқланди, унда оиладаги зўравонликнинг сабаблари ва шароитларини ўрганиш, ушбу ҳодисанинг олдини олиш ва тугатиш бўйича чора-тадбирлар кўзда тутилган. Бундан ташқари, 2008 йилда «Одам савдосига

¹⁹ <https://lex.uz/uz/docs/6791821>

²⁰ <https://lex.uz/docs/6697581>

қарши курашиш тўғрисида»ги²¹ Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аёлларга нисбатан камситишни тугатиш қўмитасининг якуний хулосаларини, шунингдек, умумий мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда 2019 йилда «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги²² Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 11 апрелда ЎРҚ-829-сонли «Хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.²³

Глобал мақсадлардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда барқарор ривожланиш миллий мақсадлари қабул қилинган ва уларга эришиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, деярли барча соҳалар бўйича 2030 йилгача бўлган ривожланиш концепциялари ва стратегиялари, жумладан, **2020 – 2030 йилларда гендер тенглигига эришишнинг Миллий стратегияси** ҳам қабул қилинган ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегияда аҳолининг заиф қатламлари, жумладан, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

1.3. ЎЗБЕКИСТОНДА МЕҲНАТ СОҲАСИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ИЛГАРИ СУРИШ БЎЙИЧА ЧОРАЛАР

Мамлакатимизда меҳнат бозорида гендер тенглигини таъминлаш мақсадида аёлларнинг меҳнат бозори ва бандлик соҳасида имкониятларини кенгайтириш бўйича чоралар кўрилмоқда.

Энг аввало, **хотин-қизларнинг билим ва таълим соҳасидаги имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.** Олий маълумотга эга бўлиш аёлларга юқори маошли ишларга талабгор бўлиш имконини

²¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2008. №16. – Б.118; 2017. №37. – Б.978; 2019. №2. – Б.47. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.05.2019 й., 03/19/542/317.

²² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 03.09.2019 г., №03/19/561/3680. Қонуннинг электрон версияси <https://www.lex.uz/docs/4494712> да мавжуд.

²³ Ҳужжат матни билан <https://lex.uz/docs/6430272> да танишиш мумкин.

беради. Шундай қилиб, 2020 йилда республиканинг 25 ёш ва ундан юқори бўлган аҳолиси орасида олий маълумотли аёллар улуши 13,2 фоизни, эркаклар эса 20 фоизни ташкил этди. Сабаби, эркакларда юқори маошли ишга жойлашиш имконияти юқорироқ.

Янги иш ўринлари яратиш ва муносиб меҳнат шароитларини таъминлаш устувор вазифадир. Шу мақсадда 2020 йилда республикамизнинг барча туман (шаҳар)ларида «**Аёллар дафтари**» жорий этилди.

Ўрганишлар якуни бўйича ҳар бир туман ва шаҳарда аниқланган муаммоларни ҳал этиш, **хотин-қизларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб**, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимлари томонидан тасдиқланиб, ижрога йўналтирилди.

Республика ишчи гуруҳи томонидан ҳар бир туман ва шаҳар кесимида **хотин-қизларни иш билан таъминлаш режаси ҳам ишлаб чиқилган.** Мазкур режанинг бажарилиши натижасида ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш, субсидия ажратиш, ўзини ўзи банд қилган аёлларга меҳнат гувоҳномалари расмийлаштириш, касбга қайта тайёрлаш орқали хотин-қизларни иш билан таъминлаш тизими йўлга қўйила бошланди.

Хусусан, 2020 – 2022 йиллар давомида «Аёллар дафтари» тизими доирасида кўплаб эҳтиёжманд хотин-қизларга амалий ёрдам берилди. Жумладан:

1-босқичда 430 минг 275 нафар хотин-қизга;

2-босқичда 450 минг 870 нафар хотин-қизга;

3-босқичда эса 641 минг 816 нафар хотин-қизга амалий ёрдам берилган бўлса;

4-босқичда қамров кенгайиб, бир миллионга яқинлашди ва уларга ҳаёт сифатларини яхшилашлари учун ёрдам берилди.

Сўнгги тадқиқотлар натижасига кўра, ўтказилган мулоқотлар асосида 2023 йилда 1 млн 680 нафар «Аёллар дафтари»га киритилган эҳтиёжманд хотин-қизларнинг рўйхатлари ҳамда уларнинг муаммоларини бар-тараф этишга қаратилган «Индивидуал дастурлар» ва «Йўл хариталари» халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларига киритилиб, сессияларда тасдиқланиш тизими жорий этилди.

«Аёллар дафтари»нинг 4-босқич рўйхатида қуйидаги тоифалар бўйича хотин-қизлар киритилган:

1-тоифа: ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишсиз хотин-қизлар;

2-тоифа: тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар;

3-тоифа: боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизлар, уй-жойини таъмирлашга муҳтожлар;

4-тоифа: ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, шунингдек, тезкор тиббий ёрдамга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар;

5-тоифа: уй-жойга эҳтиёжманд хотин-қизлар, улардан бир қисми уй-жой билан таъминланиши керак, яна бир қисмига эса ижара компенсацияси тўлаб берилиши лозим;

6-тоифа: қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди бор эҳтиёжманд хотин-қизлар.

«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш **Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига** юклатилган. Бундан ташқари, **ҳокимларнинг иқтисодиёт бўйича ўринбосарлари** ҳам бунга жавоб беради. Бунинг учун тасдиқланган **«индивидуал дастурлар»** асосида ҳар ҳафтада ижросини талаб қилиш ва таъсирчан назоратни амалга ошириш механизми йўлга қўйилган.

Иқтисодиёт ҳамда оила ва хотин-қизлар бўйича ҳоким ўринбосарларининг касб-ҳунарга ўқитиш, бандлик, томорқа, субсидиялар ажратиш каби йўналишларда «дафтарлар»га киритилган ҳар бир хотин-қизнинг доимий даромад манбаига эга бўлишини таъминлаш бўйича манзилли режалар бор.

Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар кўриш муҳим йўналишга айланмоқда. Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш меҳнат бозорида гендер тенгликни таъминлаш ва гендер муаммоларини инобатга олган ҳолда муносиб меҳнат шароитларини таъминлашнинг устувор йўналишларидан биридир. Мазкур соҳа олдида турган устувор вазифалардан бири – тадбиркорлик субъектлари ўртасида хотин-қизлар улушини 40 фоизга етказиш.

Хотин-қизлар учун иш ўринлари яратиш билан бирга муносиб меҳнат шароитлари, эгаллаб турган лавозимларида кўтарилиши кафолатларини таъминлаш, уларни иш жойида шилқимлик хавфидан ҳимоя қилиш, меҳнат жамоасида қарор қабул қилишда уларнинг фикрини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Гендерга оид аудит юқоридаги муаммоларни ҳал қилишга кўмаклашишга қаратилган.



2-БОБ

**ГЕНДЕРГА ОИД АУДИТ
ЎТКАЗИШНИНГ МЕХАНИЗМИ ВА
МЕТОДИКАСИ**


2.1. ГЕНДЕРГА ОИД АУДИТ ТУШУНЧАСИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Бугунги кунда гендер сиёсатининг самарадорлиги гендерга доир комплекс ёндашувни (ГКЁ) жорий қилишга боғлиқ эканлиги умумэтироф этилган. Гендерга доир комплекс ёндашув ва гендерга оид аудит тушунчалари ўзаро чамбарчас боғлиқ тушунчалардир ва уларни ажрата олиш лозим.



Ўзбекистон Республикаси «Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасига кўра:

гендерга доир комплекс ёндашув – давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ўз фаолиятини, шу жумладан, кадрлар сиёсатини олиб боришни хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ ташкил этиш.



Гендерга доир комплекс ёндашувнинг вазифаси – ташкилотнинг барча мақсадлари, чора-тадбирлари, тизимлари, тузилмалари ва ресурслари (инсоний ва молиявий) тақсимотига гендер жиҳатни интеграциялаш. Гендер тенглик «бошқа муаммолар» ҳал қилингандан кейингина қўл уриладиган «арзимас масала» ёки «иккинчи даражали вазифа» сифатида кў-

рилмаслиги лозим. Аксинча, гендер жиҳат ташкилотнинг барча даражадаги ҳамма чора-тадбирларига ва ташаббусларига киритилган ва сингдирилган бўлиши лозим.²⁴

КГЁни таъминлашнинг воситаларидан бири гендер бюджетлаш, гендерга оид статистика, гендер-ҳуқуқий экспертиза билан бир қаторда **гендерга оид аудит саналади.**

Гендерга доир комплекс ёндашувнинг воситалари

Гендер статистикаси	Гендер экспертизаси	Гендер бюджетлаштириш	Гендерга оид аудит
Ўзбекистон Республикаси «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддаси	Ўзбекистон Республикаси «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддаси	2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида Гендер тенгликка эришиш стратегияси	Ўзбекистон Республикаси «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 8 ¹ – 8 ² -моддалари

Гендерга оид аудит тушунчаси 2022 йил 15 декабрдаги ЎРҚ-809-сонли Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Қонуни билан мустаҳкамланди.



Гендерга оид аудит – давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида, шу жумладан, кадрлар сиёсатини олиб боришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши ҳолатини, шунингдек, гендерга доир комплекс ёндашувни ўрганиш ва баҳолаш.

(Ўзбекистон Республикаси «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни, 3-модда)

²⁴ Руководство по проведению гендерного аудита. Методология гендерного аудита МОТ, основанного на принципе активного участия. Женева, Международное бюро труда, 2007.

ХМТнинг Гендерга оид аудит ўтказиш бўйича қўлланмасига мувофиқ, гендерга оид аудит:

- *ташкилотда амал қилаётган гендерга доир комплекс ёндашувни жорий этиш қоидалари, шунингдек, уларнинг ижросини қўллаб-қувватлаш тизими қанчалик самарали эканлигини; улар бир-бирини қанчалик тўлдиришини ва амалиётда уларга риоя этилишини аниқлайди;*
- *гендер тенгликни илгари суришда нисбий тараққиётни кузатади ва баҳолайди;*
- *бошланғич тамойиллар ва мезонларни белгилайди;*
- *«масаланинг нозик жиҳатлари»ни ва муаммоларини аниқлайди;*
- *ушбу муаммоларни ҳал этиш услубларини тавсия этади ва янги, самаралироқ стратегияларни таклиф қилади;*
- *гендер тенгликка эришишдаги ижобий тажрибани қайд этади.*²⁵

Гендерга оид аудитнинг асосий мақсади ташкилотнинг мустақил равишда ўз сиёсати, дастурлари ва фаолият юритишида гендерга доир комплекс ёндашувини самарали қўллаш услубларини ўрганишида кўмаклашиш, шунингдек, қабул қилинган сиёсат қуйидагилар ишида қай даражада акс этаётганлигини баҳолашдир:

- *ташкилот;*
- *бўлимлар;*
- *алоҳида ходимлар.*



Гендерга оид аудитнинг вазифалари:

- *гендерга доир комплекс ёндашув ташкилот фаолиятида ва ходимларининг иш жараёнида қанчалик қўлланилаётгани тўғрисидаги тасаввурни кенгайтириш;*

²⁵ Руководство по проведению гендерного аудита. Методология гендерного аудита МОТ, основанного на принципе активного участия. Женева, Международное бюро труда, 2007. – С.13.

- гендер-сезгир маҳсулотлар ва хизматларни тақдим этиш борасида гендерга доир комплекс ёндашувнинг жорий этилганлик даражасини баҳолаш;
- ташкилотда гендерга доир комплекс ёндашувини жорий этишнинг самарадорлиги ошишига сабаб бўлган услублар, қоидалар ва гендер масалаларига муносабатларни аниқлаш ва улар тўғрисидаги ахборотни тарқатиш;
- гендерга доир комплекс ёндашувни жорий этишга ажратилган ва сарфланган ресурслар ҳажмини баҳолаш;
- ташкилотнинг кадрлар сиёсати қанчалик гендер-таъсирчанлигини аниқлаш;
- ташкилотда турли даражаларда эркаклар ва аёллар сонининг нисбатини ўрганиш;
- гендер тенглигини илгари суриш кўрсаткичларининг қиёсий таҳлилинини доимий асосда ўтказиш учун ташкилотда гендерга доир комплекс ёндашувнинг дастлабки тамойиллари ва мезонларини шакллантириш;
- гендер тенгликни таъминлаш бўйича ҳаракатлар режасини амалга оширишдаги тараққиётни баҳолаш ва зарур ҳолларда ўзгартиришларни таклиф этиш;
- фаолиятни янада яхшилаш имкониятларини аниқлаш ва ҳаракатлар режасини янада самарали бажаришнинг эҳтимолий стратегияларини таклиф этиш.²⁶

«Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ, гендерга оид аудитнинг асосий вазифалари қуйидагилардир:


- *давлат органлари ва ташкилотларида хотин-қизлар ва эркаклар сонининг нисбатини ўрганиш;*
- *давлат органлари ва ташкилотлари ўз фаолиятини гендерга доир комплекс ёндашув асосида ташкил этганлиги ҳолатини ўрганиш;*
- *хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги қонунчиликнинг ижро этилиши ҳолатини баҳолаш;*
- *хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.*

²⁶ Руководство по проведению гендерного аудита. Методология гендерного аудита МОТ, основанного на принципе активного участия. Женева, Международное бюро труда, 2007. – С.14 – 15.

ХМТ томонидан ишлаб чиқилган қўлланмага мувофиқ гендерга оид аудитнинг вазифалари:	«Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ гендерга оид аудитнинг вазифалари
Ташкилот фаолияти ва унинг ходимларининг ишида гендерга доир комплекс ёндашув қай даражада қўлланилаётгани ҳақидаги тушунчани кенгайтириш	Давлат органлари ва ташкилотлари ўз фаолиятларини гендерга доир комплекс ёндашув асосида ташкил этганлиги ҳолатини ўрганиш
Гендерга сезгир маҳсулотлар ва хизматларни тақдим этиш нуқтаи назаридан гендерга доир комплекс ёндашувни амалга ошириш даражасини баҳолаш	Давлат органлари ва ташкилотларида хотин-қизлар ва эркаклар сонининг нисбатини ўрганиш
Ташкилотда гендерга доир комплекс ёндашувни янада самарали амалга оширишга ёрдам берган гендер масалаларига оид усуллар, қоидалар ва муносабатлар тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш ва тарқатиш	Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш соҳасидаги қонунчиликнинг ижро этилиш ҳолатини баҳолаш
Гендерга доир комплекс ёндашувни амалга ошириш учун ажратилган ва сарфланган ресурслар миқдорини баҳолаш	Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш
Ташкилотнинг кадрлар сиёсати қанчалик гендер сезгир эканлигини аниқлаш	
Ташкилотдаги эркаклар ва аёллар сонининг турли даражадаги нисбатларини ўрганиш	
Ташкилотда гендерга доир комплекс ёндашувни амалга оширишнинг дастлабки тамоийллари ва мезонларини шакллантириш	
Гендер тенглигини таъминлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар режаларига кўра илгарилашни баҳолаш	
Бу борада янада такомиллаштириш имкониятларини аниқлаш ва ҳаракатлар режасини самаралироқ амалга ошириш учун стратегиялар таклиф қилиш	

Умуман олганда, гендерга оид аудит **давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятида гендерга доир комплекс ёндашувни таъминлаш даражасини** баҳолашга, жумладан, давлат идоралари ва ташкилотлари,

уларнинг раҳбарлари ва ходимларининг гендер сиёсатдан хабардорлиги, улар томонидан гендер тенглик тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиш даражасини баҳолашга қаратилган.



Гендерга оид аудит давомида давлат идораларидаги **кадрлар сиёсати-га**, жумладан, ишга қабул қилиш шартлари, карьера пиллапоясидаги адолатлилик, қулай меҳнат шароитларига баҳо берилади.

Шундай қилиб, гендерга оид аудит:

- фаолиятнинг гендер таҳлили борасида ташкилотнинг жамоавий имкониятларини кенгайтиради, ташкилотнинг гендер тенгликни илгари суриш соҳасидаги кучли ва заиф томонларини аниқлайди;
- ташкилотнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда гендерга доир комплекс ёндашувни жорий этиш бўйича таклифларни мустақил ишлаб чиқишда ташкилотга ёрдам беради;
- ташкилотнинг гендер ёндашувни мустақил ўрганиши жараёнини фаоллаштириш учун жамоавий руҳни мустаҳкамлайди, ахборот таҳлили ва алмашинувини рағбатлантиради.²⁷



²⁷ Руководство по проведению гендерного аудита. Методология гендерного аудита МОТ, основанного на принципе активного участия. Женева, Международное бюро труда, 2007. – С.15.

2.2. ГЕНДЕРГА ОИД АУДИТ ЎТКАЗИШ ТАМОЙИЛЛАРИ. ГЕНДЕРГА ОИД АУДИТ ЎТКАЗИШ САМАРАДОРЛИГИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

Гендерга оид аудитнинг мақсади бу – идорага гендер қонунчиликни амалга ошириш ва кадрлар сиёсатини такомиллаштиришда кўмаклашишдир. **Гендерга оид аудит эксперт-аудиторлар ва гендерга оид аудит ўтказилаётган идора ўртасидаги диалогдир.** Умуман олганда, **гендерга оид аудит** идоранинг ўзини ўзи баҳолаш жараёни бўлиб, гендерга оид аудиторлар ўзини ўзи баҳолашни ўтказишда методологик ёрдам кўрсатадилар. Гендерга оид аудит якунлари бўйича гендерга оид аудиторлар томонидан гендерга оид аудит ўтказилган идора вакиллари иштирокида тайёрланган тавсиялар тақдим этилади. Раҳбариятга нисбатан ҳеч қандай жазо қўлланилмайди.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги тамойилларга риоя қилиш талаб этилади:



Гендерга оид аудит ўтказилишида унда ташкилот ходимларининг фаол иштироки тамойилидан фойдаланилади, бу ходимларни ўқитишга, уларнинг аудит ўтказилиши ва унинг натижаларига дахлдор бўлишларига хизмат қилади. Шунингдек, иштирок этиш мотивация беришга ва ўзининг ҳамда умуман ташкилотнинг фаолиятини баҳолашнинг самарали усулларини ўрганишга кўмаклашади.²⁸

Гендерга оид аудит – фаол иштирок этиш тамойилларига асосланган восита ва жараён. У ташкилотнинг гендерга доир комплекс ёндашувни амалиётда самарали қўллаш усуллари мустақил ўрганишига хизмат қилади.²⁹

Гендерга оид аудит ўтказилишининг самарадорлиги қуйидаги шартларга боғлиқ:

- *гендер масалалари бўйича тажрибали ва махсус ўқитилган мутахассисларни жалб қилиш;*
- *ишчи гуруҳ фаолиятини ташкил этиш учун ишчи гуруҳ мувофиқлаштирувчисини тайинлаш;*
- *ишчи гуруҳда гендер мувозанат;*
- *ҳар бир босқичда ишчи гуруҳ аъзолари ўртасида вазифаларнинг аниқ тақсимланиши;*
- *аниқ ва батафсил, келишилган график-режанинг мавжудлиги;*
- *хотин-қизлар ННТлари билан маслаҳатлашувлар ўтказилиши;*
- *гендерга оид аудит ўтказиш вақтини тўғри танлаш.*

Халқаро ва хорижий тажриба, юқорида келтирилган шартларга риоя этиш гендерга оид аудит самарадорлиги ва гендерга оид аудит ўтказилиши натижалари бўйича тавсияларнинг амалий аҳамияти учун шароит яратишини кўрсатади.

2.3. ГЕНДЕРГА ОИД АУДИТ ЎТКАЗИШ БОСҚИЧЛАРИ

ХМТнинг Гендерга оид аудит ўтказиш бўйича қўлланмасида гендерга оид аудитнинг қуйидаги асосий босқичлари кўрсатилган:

- Бўлинмалар **Гендерга оид аудит ўтказилиши тўғрисидаги қарорни** ихтиёрий равишда қабул қилади ва ташкилотдаги аудитни мувофиқлаштириш билан шуғулланувчи тузилмага тегишли **сўров** юборади.

²⁸ Руководство по проведению гендерного аудита. Методология гендерного аудита МОТ, основанного на принципе активного участия. Женева, Международное бюро труда, 2007. – С.14.

²⁹ Руководство по проведению гендерного аудита. Методология гендерного аудита МОТ, основанного на принципе активного участия. Женева, Международное бюро труда, 2007. – С.13.

- **Аудитни ўтказиш саналари** расман келишилади ва бўлинма ходимлари орасидан аудит **мувофиқлаштирувчиси** тайинланади.
- 3–4 кишидан иборат аудит ташкилий гуруҳи саралаб олинади; **аудитга бирламчи тайёргарлик** бошланади.
- Аудиторларнинг бўлинма ходимлари билан учрашувидан икки ҳафта олдин **ҳужжатларнинг дастлабки таҳлили** бошланади.
- Икки ҳафта давомида бўлинмада гендерга оид аудит ўтказилади.
- Аудитнинг икки ҳафтаси давомида ҳамкор ташкилотлар билан **қўшма семинарлар, суҳбатлар, ахборот учрашувлари ва маслаҳатлашувлар** ўтказилади.
- Аудитнинг охириги кунида ташкилотчилар бўлинманинг барча ходимлари билан **тавсиялар лойиҳасини муҳокама этадилар ва ҳаракатлар режасини шакллантирадилар.**
- Бир ой давомида **якуний ҳисобот** лойиҳаси ундаги фактларни аниқлаштириш учун бўлинмага тақдим этилади.
- Сўнгра бир ой давомида ҳисобот тўлиқ такомиллаштирилади.
- Бўлинма аудит тавсияларининг ижроси учун жавоб беради. Ташкилотнинг унда аудитлар ўтказишни мувофиқлаштирувчи тузилмаси тавсияларни амалга ошириш масалалари бўйича техник маслаҳатларни тақдим этади.³⁰


Умуман олганда, гендерга оид аудит жараёни қуйидагиларни ўз ичига олади:

- тайёрлов босқичи (жамоа шакллантирилиши ва функционал мажбуриятларнинг тақсимланиши, муддатларни келишиш, гендерга оид аудит ўтказиш графигини ишлаб чиқиш, сўровномалар, ўқув материаллари, тўлдириш учун шакллар тайёрлаш, сайтлар ва ОАВда тақдим этилган маълумотлар асосида дастлабки ахборотларни тўплаш);
- идора доирасида қабул қилинган тегишли ҳужжатлар ва статистик маълумотлар (ички ҳужжатлар, низомлар, йўриқномалар, буйруқлар) ёки идорага тааллуқли ҳужжатлар (қонунлар, қонуности ҳужжатлари, концепциялар ва стратегиялар) таҳлили;
- танишув учрашувлари, индивидуал суҳбатлар ва якуний суҳбатлар давомида оғзаки мулоқот асосида ахборот тўплаш ва вазиятни ўрганиш;
- гендерга оид аудит доирасида ташкил этилган семинар давомида ўқитиш;
- жамланган ахборотни умумлаштириш ва тавсияларни ўз ичига олган ҳисоботни тайёрлаш.

³⁰ Руководство по проведению гендерного аудита. Методология гендерного аудита МОТ, основанного на принципе активного участия. Женева, Международное бюро труда, 2007. – С.46.

Гендерга оид аудит ўтказишнинг босқичлари

Тайёргарлик босқичи	Асосий босқич	Яқуний босқич
<ul style="list-style-type: none"> – жамоани шакллантириш ва функционал мажбуриятларни тақсимлаш; – гендерга оид аудит ўтказиш графигини ишлаб чиқиш; – саволномаларни, ўқув материалларини, тўлдириладиган шаклларни тайёрлаш; – сайт ва ОАВда тақдим этилган маълумотлар асосида дастлабки маълумотларни йиғиш 	<ul style="list-style-type: none"> – ҳужжатлар таҳлили; – танишув учрашуви; – ўқув семинари ўтказиш; – яқка тартибдаги суҳбатлар; – яқуний учрашув 	<ul style="list-style-type: none"> – тўпланган маълумотларни умумлаштириш; – ҳисоботни тавсиялари билан тайёрлаш; – ҳисоботни келишиш; – ҳисоботни эълон қилиш



1. Тайёрлов босқичи

а) Гендерга оид аудит ўтказиш жараёнини режалаштириш

Одатда, аудит 10 иш куни давомида ўтказилади, аммо бунда тайёрлов даври ҳал қилувчи роль ўйнайди – бутун тадбирнинг муваффақияти унга боғлиқ.³¹

Аудит бошланишидан олдин гуруҳдан қуйидагилар талаб этилади:

- *ҳисоботни тайёрлаш схемасини ишлаб чиқиш;*
- *ҳисоботнинг турли бўлимларини ёзишда мажбуриятларни тақсимлаш тўғрисида келишиб олиш;*
- *яқуний ҳисобот матнида барча қисмларни ягона шаклга келтирувчи гуруҳ аъзосини танлаш.*³²

Ишчи гуруҳ шакллантирилганидан кейин гуруҳнинг ҳар бир аъзоси учун вазифа ва топшириқларни аниқ тақсимлаш муҳимдир. Ишчи гуруҳ аъзолари координатор бошчилигида гендерга оид аудит ўтказишнинг режа-графиги лойиҳасини ишлаб чиқадилар. Режа-график гендерга оид аудит ўтказилиши режалаштирилган идора раҳбарияти билан келишилади.

б) Гендер-ҳуқуқий экспертиза гендерга оид аудит жараёнининг бир қисми сифатида

Гендерга оид аудит ўтказилишига тайёргарликда таҳлил учун керакли ҳужжатларни олиш учун идорага сўров юбориш мумкин. Ҳужжатларнинг баъзи қисмлари жойида ўрганилиши мумкин.

Ҳужжатлар таҳлили учун материаллар аудит учун мўлжалланган ҳужжатлар пакетидан олинади. Бўлинма билан келишган ҳолда ташкилотчилар гуруҳлари унинг ишини тўлиқроқ акс эттирадиган ҳужжатларни саралаб оладилар. Ҳужжатлар аудит ўтказилишидан икки-уч йил олдинги санага эга бўлиши лозим, ундан олдинроқ қабул қилинган, ҳозиргача амал қиладиган асосий ҳужжатлар бундан мустасно бўлиши мумкин.³³

³¹ Руководство по проведению гендерного аудита. Методология гендерного аудита МОТ, основанного на принципе активного участия. Женева, Международное бюро труда, 2007. – С.29.

³² Руководство по проведению гендерного аудита. Методология гендерного аудита МОТ, основанного на принципе активного участия. Женева, Международное бюро труда, 2007. – С.35.

³³ Руководство по проведению гендерного аудита. Методология гендерного аудита МОТ, основанного на принципе активного участия. Женева, Международное бюро труда, 2007. – С.39.

Идора фаолиятини дастлабки ўрганиш ва таҳлил қилиш давомида, жумладан, қуйидагилар тавсия этилади:

- *мазкур идора веб-сайтини ўрганиш (масалан, сайтда гендер статистикаси мавжудлиги, гендер масалаларининг ёритилиши);*
- *идора фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, жумладан, 2030 йилгача ривожланиш концепциясини (гендер тенгликни ҳисобга олиш тамойилининг мавжудлиги) ўрганиш;*
- *идорадан сўров бўйича олдиндан олинган идоравий ва бошқа ҳужжатларни ўрганиш ва гендер таҳлил қилиш;*
- *идорадан сўров бўйича олдиндан олинган идорага оид гендер статистикасининг таҳлили;*
- *ички қоидалар ва ахлоқ кодекси;*
- *идора гендер стратегияси (мавжуд бўлса).*

Бошқача айтганда, идорага нисбатан ёки идора доирасида қўлланиладиган ҳужжатларнинг гендер-ҳуқуқий экспертизаси ўтказилади. Яъни гендерга оид аудит ўтказиш жараёни гендер-ҳуқуқий экспертизани ўз ичига олади.

Ҳужжатларга баҳо беришда қуйидагилар инобатга олинади:

- *гендер тенглиги ва иш жойида камситишга йўл қўймаслик тамойилларининг мавжудлиги ва инобатга олиниши;*
- *иш жойида шилқимликдан ҳимоя қилиш қоидалари ва механизмларининг мавжудлиги (тақиқ ва механизмлар);*
- *раҳбариятдаги ва қарорлар қабул қилиш даражасидаги гендер мувозанат;*
- *хотин-қизлар ва гендер тенгликка оид айрим қоидаларнинг мавжудлиги;*
- *гендер тенглик масалалари бўйича механизмнинг мавжудлиги;*
- *функциялардан бири сифатида гендер статистикасини юритиш.*

Гендер масалаларига бевосита дахли бўлган ва бўлмаган ҳужжатларнинг барчаси таҳлил этилиши муҳим:

- *гендерга доир комплекс ёндашув нуқтаи назаридан таҳлил қилиш. Бўлинма фаолиятида гендер жиҳатнинг жорий этилиши тўғрисидаги энг муҳим ахборотни айнан гендер муаммоларига махсус бағишланмаган умумий хусусиятга эга ҳужжатлардан олиш мумкин;*
- *гендер масалаларига бағишланган ёки уларга салмоқли эътибор ажратадиган ҳужжатлар – ижобий тажриба учун ажойиб мисол. Бироқ масаланинг «нозик жиҳатлари» ҳақида анча кўп маълумотни асосий гендер жиҳатига кам эътибор қаратган, уни ноаниқ, «тегишлилиги*

бўйича» ёки умуман бу масалага дахли бўлмаган материаллардан олиш мумкин;

- ҳужжатлар таҳлилини аллақачон мавжуд, яқунланган ҳужжатлар бўйича гендер экспертизасини ўтказиш усули деб тушунмаслик лозим. Таҳлилдан мақсад мавжуд ҳужжатларга таяниб келгусида ҳужжатлар тайёрлашда гендерга оид ёндашув тамойиллари ва мезонларини ифодалашдир.

Ҳужжатнинг гендер таъсирчанлиги нафақат унда мавжуд ахборот билан, балки унинг концепцияси, услуби ва оҳанги билан ҳам аниқланади. Мана нима учун ҳам гендер материалларни, ҳам бу муаммога дахли бўлмаган ҳужжатларни таҳлил қилиш муҳим.³⁴

Қуйидаги асосий саволларга жавоб бериш зарур:

- *Бу предмет ёки масала қандай қилиб эркаклар ва хотин-қизларга турлича таъсир кўрсатади?*
- *Нега уларга турлича таъсир кўрсатади?*
- *Шу муносабат билан қандай чора кўрилмақда?*³⁵

Шу тариқа, бу босқичда:

- гендерга оид аудит ўтказилиши режалаштирилаётган ташкилот/идора веб-сайтига баҳо бериш;
- гендерга оид аудит ўтказилиши режалаштирилаётган ташкилот/идорага нисбатан ёки унинг доирасида қабул қилинаётган ҳужжатларга дастлабки баҳо бериш мумкин.

Ўзбекистон қонунчилиги гендер-ҳуқуқий экспертиза ўтказилишига оид қоидаларни кўзда тутишини қайд этамиз. Қонунга кўра, **гендер-ҳуқуқий экспертиза** бу – норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда уларнинг лойиҳаларини хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил қилишдир.³⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 мартдаги 192-сонли «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори қабул қилинган.³⁷

³⁴ Руководство по проведению гендерного аудита. Методология гендерного аудита МОТ, основанного на принципе активного участия. Женева, Международное бюро труда, 2007.

³⁵ Руководство по проведению гендерного аудита. Методология гендерного аудита МОТ, основанного на принципе активного участия. Женева, Международное бюро труда, 2007. – С.42.

³⁶ Қонун матни билан қуйидаги ҳавола орқали танишиш мумкин: <https://lex.uz/docs/4494849>

³⁷ Ҳужжат матни билан қуйидаги ҳавола орқали танишиш мумкин: <https://lex.uz/docs/4777293#4777604>



Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг гендер-ҳуқуқий экспертизаси давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан фаолиятнинг тегишли йўналишлари бўйича ўтказилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ёки унинг лойиҳасининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига номувофиқлиги аниқланган тақдирда, гендер-ҳуқуқий экспертиза ҳулосаси ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиққан ёки қабул қилган органга кўриб чиқиш учун юборилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг гендер-ҳуқуқий экспертизаси:

- жинс бўйича бевосита ва билвосита камситиш имконини яратадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ёки унинг лойиҳасининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига мувофиқ эмаслигини аниқлашга;
- жинси бўйича бевосита ва билвосита камситиш имконини яратадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини қабул қилиш оқибатларини умумий баҳолашга;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қўлланилиш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган, камситиш хусусиятига эга хавфларни аниқлашга;
- жинси бўйича бевосита ёки билвосита камситишга йўл қўядиган, аниқланган нормаларни бартараф этишга йўналтирилган тавсияларни ишлаб чиқишга қаратилгандир.

(Ўзбекистон Республикаси «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни, 7-модда. Гендер-ҳуқуқий экспертиза)

Юқорида келтирилганлар, гендерга оид аудиторлар жамоасида гендер-ҳуқуқий экспертиза ўтказиш кўникмалари ва тажрибасига эга юрист бўлиши лозимлигини англатади.

Дастлабки таҳлил яқунлари бўйича маълумотда идора ҳужжатлари қуйидагиларга эгалиги кўрсатилиши мумкин:

- *гендер-нейтрал хусусият;*
- *гендер-таъсирчан хусусият;*
- *гендер-камситувчи хусусият.*

в) Гендер статистикаси гендерга оид аудит ўтказиш жараёнидаги энг муҳим восита сифатида

Гендерга оид аудит ўтказиш бу – муаммоларни ва уларнинг сабабларини аниқлаш мақсадида, шунингдек, вазиятни яхшилаш учун тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида баҳолаш ва мониторинг қилиш жараёнидир. Баҳолаш ва мониторинг самарадорлиги статистик маълумотлар мавжудлигига боғлиқ. Гендер статистикаси – гендер сиёсатини таҳлил қилиш ва баҳолаш учун муҳим восита.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда гендер статистикасини тўплаш тизими-ни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда гендер статистикаси роли ўсмоқда. 2019 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши билан гендер статистикасининг гендер сиёсатнинг энг муҳим унсурларидан бири сифатидаги роли орта бошлади. Ушбу Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ, «Давлат статистика органлари гендер кўрсаткичлари асосида жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳолатини акс эттирадиган статистик ахборотни йиғишни, унга ишлов беришни, уни тўплашни, сақлашни, таҳлил қилишни ва эълон қилишни амалга оширади». Бундан ташқари, 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси 4-бобининг бўлимларидан бири гендер статистикасига бағишланган бўлиб, гендер статистикасини юритишни яхшилаш бўйича бир қатор чоралар ишлаб чиқилган. Гендер стратегиясига мувофиқ, «вазирлик ва идоралар, ташкилотлар, муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтларида жинслар бўйича статистик кўрсаткичлар юритилишини ташкил этиш, мазкур кўрсаткичларнинг мувофиқлаштирган ҳолда юритилишини таъминлаш ва гендер масалаларига оид халқаро рейтинг ва индексларни юритувчи ташкилотларни миллий гендер статистикаси билан доимий таъминлаб боришни йўлга қўйиш» зарур.

«Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, **гендер статистикаси** – давлат статистикасининг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳолати тўғрисида ҳар бир жинс бўйича алоҳида кўрсатилган маълумотларни ўз ичига олган, ҳар хил жинсдаги шахсларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларидаги тегишли ҳолатини акс эттирадиган, гендер муаммоларини ва жамиятдаги муносабатларни ёритадиган қисми.³⁸

³⁸ Қонун матни билан қуйидаги ҳавола орқали танишиш мумкин: <https://lex.uz/docs/4494849>



Давлат статистика органлари гендер кўрсаткичлари асосида жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳолатини акс эттирадиган статистик ахборотни йиғишни, унга ишлов беришни, уни тўплашни, сақлашни, таҳлил қилишни ва эълон қилишни амалга оширади.

Гендер кўрсаткичларини шакллантириш:

- давлат статистика органлари томонидан амалга ошириладиган давлат статистик кузатувларига;
- давлат бошқаруви органларининг маъмуриятга оид маълумотларига;
- давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан мунтазам равишда амалга ошириладиган статистик кузатувларга асосланади.

Гендер кўрсаткичлари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг статистик маълумотлари асосида ҳам шакллантирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни, 8-модда. Гендер статистикасини шакллантириш)

gender.stat.uz сайтининг яратилиши муҳим қадам бўлди. Ушбу сайт гендер жиҳатдан маълумотларни янада такомиллаштириш, жинсларга ажратилган маълумотларни мунтазам ва ўз вақтида эълон қилиб бориш мақсадида гендер статистикасининг электрон маълумотлар базасини яратиш бўйича илк уринишдир.³⁹

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан Давлат статистика қўмитасига Ўзбекистон Республикасининг қатор вазирликлари ва идоралари билан биргаликда **gender.stat.uz** веб-сайтида **минимал гендер кўрсаткичларни** ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Статистика комиссияси тавсия этган бошқа маълумотларни жойлаштириш ва уларни мунтазам янгиланган бориш топширилган.⁴⁰

³⁹ <https://gender.stat.uz/ru/obshchie-svedeniya>

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4235-сонли «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори. Хужжат матни билан қуйидаги ҳавола орқали танишиш мумкин: <https://lex.uz/docs/4230944>

Ишончли ва ҳаққоний статистик маълумотларнинг мавжудлиги – гендерга оид аудит самарадорлиги учун муҳим шарт. Тайёрлов босқичи доирасида гендерга оид аудит ўтказилиши режалаштирилган идора бўйича жинсга қараб тақсимланган статистик маълумотларни, жумладан, идорада ишлаётган аёллар сони, раҳбар лавозимлардаги аёллар сони ва бошқа маълумотларни тўплаш зарур.

Юқорида баён этилганлар гендерга оид аудиторлар жамоасида гендер статистикаси масалалари бўйича тажрибали эксперт бўлиши лозимлигини англатади.

2. Асосий босқич

Ҳужжатларнинг дастлабки таҳлили ва идора тўғрисида дастлабки маълумот тайёрланганидан кейин идорага танишув ташрифи ташкил этилади.

Танишув ташрифи давомида идора раҳбарияти билан учрашув ўтказилади. Учрашув давомида дастлабки маълумот муҳокама этилади ва қизиқтирган масалалар бўйича аниқлик киритилади.

Гендерга оид аудит доирасида қуйидаги мақсадларда идоранинг барча вакиллари учун семинар ўтказиш тавсия этилади:

1. *Гендерга оид аудит жараёни, мақсадлари ва вазифалари билан таништириш.*
2. *Идорада гендер тенгликка риоя этилиши тўғрисидаги дастлабки маълумот тақдими.*
3. *Умуман, мамлакатда гендер сиёсат тўғрисидаги хабардорликни ошириш.*
4. *Идорада гендерга доир комплекс ёндашув масалаларини биргаликда муҳокама қилиш.*

Семинар давомида ёки ундан кейин режа-графикка мувофиқ ишчи гуруҳ аъзолари тайёрлаган саволномалар асосида ходимлар билан индивидуал суҳбатлар ўтказиш лозим. Суҳбатлар мазмуни ошкор этилмайди. Ёзма сўровномалар аноним тўлдирилади.

Аудит бошланишидан олдин аудит мувофиқлаштирувчиси бўлинма ходимларининг суҳбатлар графигини тузади ва ташкилотчилар гуруҳига бу графикни кўриб чиқиш ва келишиш имконияти берилади.

Бўлинманинг барча ходимлари ўз фикрларини билдириш имконига эга бўлишлари учун максимум саъй-ҳаракат қилиш лозим. Асосий аҳамият-

га эга бўлган саволлар тўпламини ишлаб чиқиш керак. Бунда саволлар манбаларидан бири бўлинма ҳужжатларининг таҳлили ҳисобланади. Индивидуал суҳбатлар бошлангунига қадар ҳужжатлар таҳлилини яқунлаш муҳим, чунки таҳлил доимо гендер нуқтаи назаридан янада эътиборлироқ назар ташлаш керак бўлган соҳаларга ишора қилади. Бундан ташқари, ҳужжатлар таҳлили суҳбатларни режалаштириш ва улар учун саволларни шакллантириш учун бой материал беради.

Ташкилотчилар гуруҳи суҳбатларни ўтказиш учун аудиторларни қай тарзда белгилашни ҳал қилади. Интервью ўтказувчилар энг аввал суҳбатдошга гендерга оид аудит ёндашувларини, суҳбат мақсадлари ва у аудит жараёнига қўшадиган ҳиссани тушунтиришлари лозим. Шу тариқа интервью берувчининг хабардорлиги таъминланибгина қолмай, суҳбатнинг профессионал оҳанги ҳам мустаҳкамланади.⁴¹

Суҳбат белгиланар экан, аудиторлар бўлинманинг барча ходимларига уларнинг фикрлари аноним бўлиб қолишини – иқтибос олинмаслиги, раҳбариятга берилмаслиги ёки ҳисоботда келтирилмаслигини тушунтиришлари шарт. Бунда манбанинг анонимлигини сақлаб қолиш билан тўпланган ахборотнинг махфийлиги ўртасидаги фарқни ажратиб олиш керак. Аудитдан мақсад – гендер тенгликни илгари суришда бўлинма фаолияти тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва бунда қўлланиладиган воситалардан бири – ходимлар билан суҳбат. Бинобарин, интервью давомида олинган ахборотни махфий деб бўлмайди, чунки у якуний ҳисоботдаги умумий ҳулосаларда ва қоидаларда акс этади.⁴²

Шундай қилиб, агар биринчи тайёрлов босқичида гендерга оид аудит ўтказиш учун асосий ахборот манбаси веб-сайт ва ҳужжатлар бўлса, асосий босқич давомида асосий ахборот манбаси гендерга оид аудит ўтказиладиган ташкилот/идора раҳбарияти ва ходимлари бўлади.

3. Якуний босқич

Ҳужжатлар таҳлили яқунлари ҳамда сўровлар ва суҳбатлар натижаларининг яқунларини умумлаштириш асосида ишчи гуруҳ аъзолари гендерга оид аудит яқунлари бўйича ҳулосалар ва тавсиялар тайёрлайдилар. Ау-

⁴¹ Руководство по проведению гендерного аудита. Методология гендерного аудита МОТ, основанного на принципе активного участия. Женева, Международное бюро труда, 2007. – С.43.

⁴² Руководство по проведению гендерного аудита. Методология гендерного аудита МОТ, основанного на принципе активного участия. Женева, Международное бюро труда, 2007. – С.44.

дитнинг асосий натижаси – ҳисобот, у ишни яхшилаш бўйича тавсиялар ва бўлинма/ташкilot томонидан аудит тавсияларининг изчил бажарилишига қаратилган аниқ чора-тадбирларни ўз ичига олади.⁴³ Якуний ҳисобот 30 саҳифадан ошмаслиги лозим.

Хулосалар ва тавсиялар гендерга оид аудит ўтказилганидан кейин **ўн иш кунидан кечиктирмай** Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясига юборилади.

Гендерга оид аудит натижалари тўғрисидаги ахборот Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси расмий веб-сайтига жойланади: <https://kasaba.uz/ru/>

2.4. ГЕНДЕРГА ОИД АУДИТ ЎТКАЗИШ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА КЕЛГУСИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Идора доирасида гендерга оид аудит ўтказилганидан кейин ходимларнинг гендер тенглиги масалалари бўйича хабардорлигини оширишга қаратилган чораларни ўз ичига олувчи **Олинган тавсияларни бажариш бўйича ҳаракатлар режасини** қабул қилиш лозим.

Бўлинма ходимлари аудитнинг асосий хулосалари ва тавсиялари билан танишганларидан, шунингдек, келгусидаги эҳтимолий ҳаракатлар учун йўналишлар аниқлаб, белгилаб олинганидан кейин аудит ташкilotчилари қуйидагиларни бажарадилар:

- ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишда ёрдам берадилар;
- аудит тавсиялари бажарилиши устидан келгусида назорат қилиш учун мувофиқлаштирувчи ёки махсус гуруҳни (тўрт аъзодан ошмайдиган таркибда) шакллантиришни таклиф этадилар;
- йил давомида яхшиланишлар рўй бериши лозим бўлган 3-4 та муҳим соҳаларни белгилайдилар; бунда кўриниб турган, мақсадга мувофиқ ва эришиб бўладиган ўзгаришларга эътибор қаратиш лозим;
- кўрсатилган соҳаларда ўзгаришлар ташаббусини бошлашда ким, қандай, қачон ва қай тарзда ёрдам бериши мумкинлигини идора ходимлари билан муҳокама қиладилар;

⁴³ Руководство по проведению гендерного аудита. Методология гендерного аудита МОТ, основанного на принципе активного участия. Женева, Международное бюро труда, 2007. – С.15.

- ишлаб чиқилган режанинг бажарилиши ва гендерга оид аудит ўтказилишини мувофиқлаштирувчи тузилмага тегишли ахборотни тақдим этиш масъулияти раҳбарнинг зиммасида эканлиги яна бир марта қайд этилади.

Гендерга оид аудит ўтказилиши якунлари бўйича гендерга оид аудит ўтказилаётган идора/ташкилот доирасида қуйидаги чоралар кўрилиши лозим:

- гендер тенгликни илгари суриш мақсадида идора доирасида кўрилатган чоралар тўғрисидаги ахборотни жойлаштириш бўйича;
- ҳужжатларни гендер қонунчилигига мувофиқ ҳолатга келтириш бўйича;
- барча ходимларнинг гендер тенглик масалалари бўйича хабардорлигини ошириш бўйича.

2.5. ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕРГА ОИД АУДИТ ЎТКАЗИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Мамлакатимизда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эришиш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда уларнинг тенг равишда иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш соҳасида мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилмоқда.

Шунингдек, давлатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг равишда иштирок этишини таъминлашга қаратилган махсус стратегиялар ҳамда дастурлар қабул қилиниб, гендер тенгликни таъминлаш механизмлари такомиллаштирилмоқда.

Гендер масаласи нафақат хотин-қизлар ташкилотларига, балки барча ташкилотларнинг иш фаолиятига тааллуқлидир.

Шуни эътироф этиш жоизки, юртимизда охириги йилларда гендер ҳуқуқларда тенгликни таъминлаш борасида, хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтириш, давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш бўйича муҳим қадамлар қўйилди.

Мазкур тадқиқотнинг III бўлимида касаба уюшмаларининг хотин-қизларнинг меҳнат қилишга бўлган ҳуқуқини таъминлашдаги иштирокининг амалий тажрибаси ҳақида баён этилди.

Тадбиркорлик қилиш истагидаги ва янги яратилаётган иш ўринларидаги хотин-қизларнинг ҳам меҳнатга оид ҳуқуқлари, **1-иловада** қайд этилган *«Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларининг таъминланиши ва улар орасида тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида олиб борилаётган ишлар ҳолатини ўрганиш бўйича саволнома»* асосида ижтимоий ҳамкорлар билан ўрганиб, ҳукуматга ахборот киритиш тизими ҳам йўлга қўйилган.

Шу билан бирга, хотин-қизларнинг меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқлари касаба уюшмаларига аъзо бўлган ташкилотларда жамоатчилик асосида ўрганиб келинмоқда. Бугунги кунда қирқ мингга яқин меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ходимларнинг ўзи вакил этган, яъни сайланган вакиллар томонидан ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилган. Тармоқ ва ҳудудлар кесимида **2-иловада** қайд этилган *«Хотин-қизлар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун корхона, ташкилот ва муассасаларда ташкил этилган иш ўринларида меҳнат шароитларининг яратилиши ҳолати бўйича саволнома»* асосида ўрганишлар амалга ошириб келинмоқда.

Жамоатчилик назорати тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилиши юзасидан иш берувчиларга таклифлар киритиб бориш амалиёти жорий этилган.

Амалга оширилаётган ишларнинг давоми сифатида касаба уюшмаларига гендерга оид аудит ўтказишда тегишли ваколатларнинг берилиши ислохотларнинг тизимлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси томонидан Халқаро меҳнат ташкилотининг «Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркак ва аёл меҳнаткашларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида»ги 100-сонли, «Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги 103-сонли, «Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида»ги 111-сонли Конвенциялари ратификация қилинган. Юқорида таъкидланган «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги, «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунлар қабул қилиниши бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди.

«Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида» 2022 йил 15 декабрдаги ЎРҚ-809-сонли Қонуни билан Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан давлат органлари ва ташкилотларида жамоатчилик назорати доирасида гендерга оид аудит ўтказиш белгиланди.

Гендерга оид аудит тасдиқланган уч йиллик режага асосан Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси томонидан давлат органлари ва ташкилотларида жамоатчилик назорати доирасида ўтказилади.

Гендерга оид аудит давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда гендерга оид аудитни ўтказиш методикаси асосида ўтказилади.

Гендерга оид аудитни ўтказиш учун тегишли соҳада зарур билим ва иш тажрибасига эга бўлган мутахассислар жамоатчилик асосида жалб этилиши мумкин.

Гендерга оид аудит натижаларига доир ахборот ва таклифлар гендерга оид аудит ўтказилганидан кейин Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясига ўн иш кунидан кечиктирмай юборилади.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси гендерга оид аудит натижаларига доир ахборотни ва таклифларни бир ой ичида кўриб чиқади. Республика комиссияси гендерга оид аудит натижаларига доир ахборотни ва таклифларни кўриб чиқиш яқунлари бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига, шу жумладан, кадрлар сиёсатини олиб боришда гендерга доир комплекс ёндашувни босқичма-босқич жорий этишга қаратилган чора-тадбирларни белгилайди ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилади.

Гендерга оид аудит натижалари тўғрисидаги ахборот Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерациясининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.⁴⁴

Гендерга оид аудит давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида, шу жумладан, кадрлар сиёсатини олиб боришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши ҳолатини, шунингдек, гендерга доир комплекс ёндашувни ўрганиш ва баҳолашдир.

Гендерга оид аудитнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:
давлат органлари ва ташкилотларида хотин-қизлар ва эркаклар сонининг нисбатини ўрганиш;

давлат органлари ва ташкилотлари ўз фаолиятини гендерга доир комплекс ёндашув асосида ташкил этганлиги ҳолатини ўрганиш;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги қонунчиликнинг ижро этилиш ҳолатини баҳолаш;

⁴⁴ Ўзбекистон Республикасининг 02.09.2019 йилдаги ЎРҚ-562-сонли «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни 82-моддаси.

*хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.*⁴⁵

2022 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2022 йил 14 декабрдаги «Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентлар ролини кучайтириш тўғрисида»ги резолюциясини амалга ошириш чоралари ҳақидаги» мажлисида тегишли қўшма қарор қабул қилинган. Барқарор ривожланиш мақсадларини 2023 – 2024 йилларда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланган.

«Йўл харитаси»нинг XIII та бўлими, 57 та чора-тадбирларни амалга ошириш механизмлари, аниқ ижро муддати ва масъулларни белгиланган ҳолда ишлаб чиқилган.

Хотин-қизларнинг парламент фаолиятида ва қонун ижодкорлиги жараёнида тўлиқ, тенг ҳуқуқли ва кенг иштирок этишига кўмаклашиш орқали гендер тенгликни таъминлашга оид VIII бўлим 32-бандида давлат органлари ва ташкилотларида жамоатчилик назорати доирасида гендерга оид аудитни ўтказиш белгиланган.

Мазкур тадбир доирасида қатор вазифалар белгиланди. Жумладан:

1. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда **гендерга оид аудитни ўтказиш методикасини** ишлаб чиқиш.

2. Гендерга оид аудитни ўтказиш бўйича **уч йиллик режа** ишлаб чиқиш ва ўтказиш.

Гендерга оид аудит натижаларига доир ахборот ва таклифларни Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси мажлисида муҳокама қилиш.

Қонун билан касаба уюшмаларига берилган ваколатни амалга оширишда тизимли ишлар йўлга қўйилди.

Биринчи. Қонун ижросини таъминлаш мақсадида Касаба уюшмалари федерациясининг ташкилий тадбирлари белгилаб олинди.

Хусусан, 2023 йилнинг январь ойида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Ижроия қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди. Қарор билан ижро учун мутасадди масъуллар белгиланди.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини оширишга, хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида гендер ҳуқуқларда тенгликка эришишга, оилани мустаҳ-

⁴⁵ Ўзбекистон Республикасининг 02.09.2019 йилдаги ЎРҚ-562-сонли «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни 81-моддаси.

камлашга, оналик, оталик ҳамда болаликни муҳофаза қилишга қаратилган давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этиш учун Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан давлат органлари ва ташкилотларида уч йиллик режа асосида гендерга оид аудит бўйича жамоатчилик назорати ўтказилиши белгилаб қўйилди.

Иккинчи. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг Меҳнат инспекцияси бевосита гендерга оид аудит ўтказиши кераклигини инобатга олиб амалий **ўқув семинар** ташкил этиш белгиланди.

Гендерга оид аудит ўтказувчи инспекторлар ва мутахассислар учун амалий ўқув семинарни юқори савияда ташкил этилишини таъминлаш учун соҳа экспертлари унга жалб қилди.

Гендерга оид аудитни ўтказувчи мутахассислар учун амалий ўқув семинари дастури ишлаб чиқилди (**3-илова**).

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Зулайхо Маҳкамова, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси Малика Қодирхонова, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Озода Парпибаева, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Махмадалиевлар ўз жамоаси билан мутахассисларнинг гендерга оид аудитни ўтказиш масалалари бўйича билимларини ошириш ва уни ўтказишда амалий кўникмаларни шакллантириш учун 2023 йил 31 январь куни ўқув семинари ўтказдилар.

Ўқув семинарда қонуннинг мазмун-моҳияти билан бирга Ўзбекистонда гендер ҳуқуқларда тенгликни таъминлаш масалалари, эришилган натижалар ва устувор вазифалар, давлат хизматида гендер тенгликни таъминлаш масалалари ҳамда гендер сегрегациясини бартараф этиш чоралари, гендер статистикаси, меҳнат муносабатларида гендер тенгликни таъминлаш: муаммо ва ечимлар, Гендер тенгликни таъминлашда БМТ қўмитаси тавсияларини амалга ошириш масалалари, гендерга оид терминологиянинг хотин-қизлар ижтимоий ҳолатини яхшилашга қаратилган имкониятлари каби мавзулар ёритиб берилди.

Шунингдек, ЮСАИДнинг Ўзбекистондаги Ҳуқуқий ислохотлар дастури доирасида **давлат идоралари вакиллари учун 2023 йил 11 – 12 май кунлари тренинг ташкил этилди**. Тренинг ўқув-услубий материаллари, тренинг яқунлари бўйича хулоса ва тавсиялар ушбу қўлланманинг асосини ташкил этди.

Учинчи. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Ижроия қўмитасининг қарорига кўра **2022 йил 15 декабрдаги ЎРҚ-809-сонли Қонуннинг**

мазмун-моҳияти ва аҳамияти юзасидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб бориш мақсадида режа-жадвал ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси билан ижтимоий ҳамкорликда, «Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида» 2022 йил 15 декабрдаги ЎРҚ-809-сонли Қонунни амалга ошириш бўйича тарғибот тадбирлари» режа-жадвали тасдиқланди.

Режа-жадвалда тарғибот тадбирининг ўтказиш санаси, вақти, жойи, масъуллар ҳамда тадбир иштирокчиларининг аниқ контингенти ва сони кўрсатилди. Тушунтириш-тарғибот тадбирлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилди. Маъруза ва савол-жавоблар тарзида ўтказилган машғулотлар якуни бўйича тадбирлар иштирокчилари ҳам жойларда ўзларининг жамоалари учун тушунтиришлар беришлари уқтирилди.

Қонунни кенг оммага етказиш мақсадида буклет ва флаерлар тайёрлаб тарқатилди. Ижтимоий тармоқларда аудио, видео ва матн шаклида ахборотлар берилди. Асосий эътибор хотин-қизлар ва эркакларга меҳнат қилишда тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиш эканлигига қаратилди, шунингдек, келгусида давлат органларида ҳам мазкур масала ходимларнинг вакиллик органлари томонидан ўрганилиши тушунтирилди.

Тўртинчи. Давлат органлари ва ташкилотларида гендерга оид аудитни ўтказиш услубияти ва уч йиллик режа лойиҳаси тайёрланди.

Гендерга оид аудитни ўтказиш вазифаси Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясига юклатилган бўлиб, тасдиқланган уч йиллик режага асосан давлат органлари ва ташкилотларида жамоатчилик назорати доирасида ўтказилиши белгиланганига урғу бериш лозим.

Гендерга оид аудит асосан меҳнат муносабатларини, ташкилотларда хотин-қизлар ва эркаклар учун яратилган имкониятларни, меҳнат шартларининг тенглигини, кадрлар сиёсатини ўрганишга йўналтирилган бўлиб, ходимларнинг манфаатини ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи касаба уюшмаларининг фаолиятига мос келишини таъкидлаш муҳим.

Республика комиссияси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий медиа бирлашмаси ишчи гуруҳ томонидан ўтказиладиган ўрганиш жараёнларини атрофлича ёритиб боришни тавсия этди.

Бешинчи. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси тизим ташкилотлари, тегишли вазирлик ва идораларнинг мутахассисларидан иборат таркибда **гендерга оид аудитни ўтказувчи ишчи гуруҳни шакллантирди.**

Ишчи гуруҳга Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси аппарати ва Меҳнат инспекциясининг инспекторлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик, Соғлиқни сақлаш, Олий таълим, фан ва инновациялар, Иқтисодиёт ва молия вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ва Иш берувчилар конфедерациясидан тавсия этилган мутахассислар киритилди.

Олтинчи. Республика комиссияси билан ҳамкорликда 2023 йилнинг 24 август куни Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг малака ошириш институтида Гендерга оид аудитни ўтказувчи мутахассислар, вазирлик, идора ва ташкилотлар, тармоқ касаба уюшмалари Республика Кенгашлари, Қорақалпоғистон, вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашларининг масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари жами 700 нафардан ортиқ тегишли мутахассислар таклиф этилиб, аралаш (анъанавий ва масофавий) шаклда гендерга оид аудитни ўтказувчи ишчи гуруҳ аъзолари учун ўқув семинар ташкил этилди.

Шу билан бирга, халқаро экспертларни ҳам жалб қилган ҳолда кадрлар салоҳиятини оширишга қаратилган семинарлар ташкил этилди. Жумладан, 2023 йилнинг 12 июль ва 31 август кунлари Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ва Халқаро Меҳнат Ташкилоти мутахассислари билан учрашув, 29 сентябрда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси аппарати, Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг меҳнат ҳуқуқи инспекторлари ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги мутахассислари иштирокида ўқув семинари ташкил этилди. Семинарда Халқаро меҳнат ташкилотининг мутахассислари ўзларининг маъруза ва тақдимотлари билан иштирок этди, тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Еттинчи. Ишчи гуруҳ фаолиятини амалга ошириши учун унинг аъзолари ўртасида тармоқ зоналари тақсимланди. Бу ҳақида батафсил маълумот **6-иловада келтирилган.**

Саккизинчи. Касаба уюшмалари вакиллари учун алоҳида «Меҳнат муносабатлари иштирокчиларининг ижтимоий шериклигини ўрганиш учун саволнома» тайёрланди (**7-илова**).

Тўққизинчи. Республика комиссияси тасдиқлаган режага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига Ўзбекистон Ка-саба уюшмалари Федерацияси томонидан 2023 йил IV чоракда гендерга оид аудит ўтказиш бошланиши маълум қилинди ва саволнома юборилди.

Ўнинчи. Гендер аудитни ўтказиш масофавий тарзда, ҳужжатларни сўраб олиб, ўрганишдан бошланди.

Ўн биринчи. Вазирлик раҳбарияти ва ходимлари билан алоҳида суҳбатлар, ўтказиладиган семинарлар жадвали тасдиқланди. Жадвал асосида аввалдан белгиланган таркибдаги ишчи гуруҳлар жойларга бориб, суҳбат ва семинарлар ўтказадилар, вазиятни ўрганадилар, масофавий сўраб олинган ҳужжатларни амалиётдаги ҳолати билан солиштирадилар.

Ўн иккинчи. Гендерга оид аудит якуни бўйича **таҳлилий ҳисобот** тайёрланади, амалий таклифлар ишлаб чиқилади ва республика комиссиясига тегишли қарор қабул қилиш учун киритилади.



3-БОБ

**ГЕНДЕРГА ОИД АУДИТ ИШ
ЖОЙИДАГИ ШИЛҚИМЛИККА
БАРҲАМ БЕРИШ ВА ОЛДИНИ
ОЛИШНИ КАФОЛАТЛАШ
ВОСИТАСИ СИФАТИДА**

3.1. ИШ ЖОЙИДА ШИЛҚИМЛИК БИЛАН КУРАШИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР

Гендерга оид аудит иш жойидаги камситиш ва шилқимликларга қарши курашда асосий роль ўйнайди. Бу жинсидан қатъи назар, барча ходимлар учун тенг имкониятларни белгилаш, тушуниш ва таъминлашга қаратилган воситадир. Шу сабабли, гендерга оид аудитни ўтказишда иш жойида шилқимликнинг олдини олишга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Асосий тушунчалар

Шилқимлик. Бошқа бир шахсни ҳақорат қилиш ёки камситиш сифатида баҳоланиши мумкин бўлган ҳар қандай номақбул ёки исталмаган муомала, хатти-ҳаракатлар. Шилқимлик қилиш бошқа бир шахснинг ғашига тегадиган, уни безовта қиладиган, ҳақорат қиладиган, камситадиган, қўрқитадиган, ерга урадиган ёки шахсий камситилишига ёки хижолат бўлишига мойил бўладиган ёки қўрқитувчи, адоватли ёки ҳақоратли иш муҳитини яратадиган сўзлар, имо-ишоралар ёки хатти-ҳаракатларни ўз ичига олади, лекин улар билан чекланмайди. Шилқимлик қилиш иш жойидан ва/ёки иш вақтидан ташқарида ҳам содир бўлиши мумкин.

Шаҳвоний шилқимлик. Бошқа бир шахсни ҳақорат қилиш ёки камситиш сифатида баҳоланиши мумкин бўлган ҳар қандай жинсий тегажоллик ҳоллари, жинсий хизматлар кўрсатишга, жинсий хусусиятга эга бўлган оғзаки ёки жисмоний муомала ва имо-ишоралар ёки жинсий хусусиятга эга бўлган ҳар қандай муомала. Шаҳвоний шилқимлик қасддан ва мажбурий тарзда содир этилиши мумкин. Ҳамкасб эркаклар ёки ҳамкасб аёллар жинсий тегажоллик қурбони ёки ҳуқуқбузар бўлиши мумкин. Шаҳвоний шилқимлик, иш жойидан ташқарида ва/ёки ишламайдиган вақтларда ҳам содир бўлиши мумкин.

Ҳокимият ваколатини суиистеъмол қилиш. Бир шахс томонидан бошқа ҳамкасбига ёки бир гуруҳ ҳамкасбларига қарши нуфузли мавқеидан ёки ҳокимиятдан нотўғри фойдаланиши. Бу, айниқса, шахс ўз таъсири ва ваколатларини бошқа шахснинг карьераси ёки бандлик шартларига (шу жумладан, лавозимга тайинлаш, шартномани узайтириш, иш фаолиятини баҳолаш ёки хизмат поғонасида кўтарилишга) салбий таъсир кўрсатиш

мақсадида суиистеъмол қилганда, айниқса, жиддий аҳамият касб этади. Бу битта воқеа ёки бир қатор ҳодисалардан иборат бўлиши мумкин. Ҳокимиятни суиистеъмол қилиш қўрқитиш, таҳдид қилиш ёки мажбурлашни ўз ичига олган, аммо улар билан чекланмаган душманлик ёки ҳақоратли иш муҳитини яратади.⁴⁶

Иш жойида ходимлар шахвоний шилқимликнинг қандай турларига дуч келишлари мумкин?

- 1. Жисмоний шилқимлик.** Номақбул жисмоний тегинишлар.
- 2. Оғзаки шилқимлик.** Номақбул жинсий ҳазиллар, шарҳлар, таклифлар ва таҳдидлар, шунингдек, ташқи кўриниш, кийим ва шахсий ҳаётга доир шарҳлар.
- 3. Новербал шилқимлик.** Жинсий маънодаги имо-ишоралар, номаъқул овозлар чиқариш, порнографик тасвирларни кўрсатиш, исталмаган жинсий ноз-карашма.
- 4. «Quid pro quo» (Ниманинг эвазига нима?)** Иш, лавозимга кўтарилиш, иш ҳақини ошириш ҳақидаги таклифлар ёки бошқа имтиёзлар жинсий хизматлар кўрсатиш эвазига бўлганда.
- 5. Адоватли иш муҳитини яратиш.** Жабрланувчи учун камситувчи, адоватли ёки таҳқирловчи иш муҳитини яратадиган хатти-ҳаракатлар.

Ушбу ҳаракатлар алоҳида ходимлар учун ҳам, бутун ташкилот учун ҳам жиддий оқибатларга, шу жумладан, унумдорликнинг пасайиши, ахлоқий муҳитнинг ёмонлашиши ва ҳуқуқий жавобгарликка олиб келиши мумкин. Иш берувчилар иш жойида камситиш ва шилқимликнинг олдини олиш учун фаол чоралар кўришлари, шу жумладан, тегишли сиёсатни ишлаб чиқиб амалга оширишлари, ходимларни ўқитишлари ҳамда шикоятлар учун хавфсиз каналларни тақдим этиш муҳим.

Иш жойидаги шилқимликлар меҳнат ва бандлик соҳасидаги ҳуқуқларнинг бузилиши ҳисобланади. ХМТ иш жойидаги шилқимликлардан ҳимоя қилиш бўйича бир қатор ҳужжатларни қабул қилган. ХМТнинг ушбу соҳадаги асосий ҳужжатлари ҳақида қисқача маълумот келтириб ўтамиз.

Биринчидан, ХМТ иш жойидаги шилқимлик гендер ўлчовларига эга бўлган глобал муаммо эканлигини таъкидлайди. Шундай қилиб, 2015 йил июнь ойида бўлиб ўтган Халқаро меҳнат конференциясида ижтимоий ҳи-

⁴⁶ UNHCR's Policy on Harassment, Sexual Harassment, and Abuse of Authority UNHCR. April, 2005. Available at [https://www.un.org/womenwatch/osagi/UN_system_policies/\(UNHCR\)policy_on_harassment.pdf](https://www.un.org/womenwatch/osagi/UN_system_policies/(UNHCR)policy_on_harassment.pdf)

моя (меҳнат хавфсизлиги) муаммоларини даврий муҳокама қилиш якунлари бўйича қабул қилинган хулосаларда *иш жойидаги руҳий-ижтимоий хавф ва шилқимликдан ҳимоя қилиш долзарб вазифа эканлиги* қайд этилди. Глобал таъминот занжирларида муносиб ишлаш бўйича хулосалар шуни таъкидлайдики, кўплаб соҳаларда «аёллар глобал таъминот занжири ишчи кучининг аксарият қисмини ташкил қилади ... ва улар кўпинча иш жойларида камситиш, шахвоний шилқимлик ва зўравонликнинг бошқа шаклларига дуч келишади».⁴⁷

1958 йилги Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситиш тўғрисида конвенцияга (111) мувофиқ, уни ратификация қилган аъзо давлатлар ирқи, ранги, жинси, дини, сиёсий қарашлари асосида иш ва касбда барча камситишларни бартараф этиш учун имкониятлар ва муомала тенглигини таъминлашга қаратилган миллий сиёсатни эълон қилиш ва амалга ошириш мажбуриятини оладилар. Иш жойидаги шилқимлик зўравонликнинг бир шакли бўлиб, БМТнинг Хотин-қизларга нисбатан камситишни бартараф этиш бўйича қўмитасининг умумий тавсияларига биноан зўравонлик аёлларни камситиш шаклларида бири ҳисобланади.

Иккинчидан, ХМТ ҳужжатларида барча тоифадаги ишчиларни иш жойидаги шилқимликлардан ҳимоя қилиш қоидалари кўзда тутилган. Ходимларнинг ҳеч бир тоифаси иш жойида камситиш ва шилқимликка учрамаслиги керак. Хусусан, **2011 йилда қабул қилинган (189-сон) Уй ишчилари учун муносиб иш тўғрисидаги конвенциянинг 5-моддаси** аъзо давлатлардан уй ишчиларининг ҳар қандай суиистеъмоллик, шилқимлик ва зўравонликдан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш чораларини кўришни талаб қилади.⁴⁸ **2015 йилдаги Норасмий иқтисодиётдан расмий иқтисодиётга ўтиш бўйича тавсияси (204)** аъзо давлатларни «тенгликни тарғиб қилиш ва камситиш ва зўравонликнинг барча шаклларига, шу жумладан, иш жойидаги жинсий зўравонликка йўл қўймаслик»ни ўз ичига олиши керак бўлган кенг қамровли сиёсат тизимини ишлаб чиқишга чақиради. Шунингдек, аъзо давлатларни норасмий иқтисодиётдаги меҳнатда тез-тез учрайдиган хавфли ва носоғлом меҳнат шароитларини бартараф этиш ва норасмий иқтисодиётдаги иш берувчилар ва ишчилар учун меҳнат хавфсизлиги ва соғлиғини муҳофаза қилишни

⁴⁷ https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/ed_norm/relconf/documents/meetingdocument/wcms_222510.pdf

⁴⁸ https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/ed_norm/normes/documents/normativeinstrument/wcms_c189_ru.htm

кучайтириш учун зудлик билан чоралар кўришга чақиради.⁴⁹ Зўравонлик ва шилқимликларга қарши курашиш зарурати, шунингдек, **Меҳнат миграцияси бўйича ХМТнинг кўп томонлама асосларида акс** этган. Бу меҳнат муҳожирларига нисбатан суиистеъмомликларни, шу жумладан, жисмоний ва жинсий зўравонликни аниқлаш ва белгилашга қаратилган чора-тадбирларни кучайтиришни назарда тутди. Айниқса, уй меҳнати каби анъанавий тартибга солиш ва ҳимоя қилиш доирасидан ташқаридаги соҳаларга алоҳида эътибор қаратиш кераклигига урғу берилади (11.2. Бошқарув тамойили).

Учинчидан, ХМТ давлатларнинг иш жойидаги шилқимликлардан ҳимоя қилиш бўйича мажбуриятларини белгилайди. 2016 йилда ХМТ **Адолатли ёллаш бўйича умумий тамойиллар ва оператив тавсияларни** қабул қилди. Унга кўра, ишга ёлловчилар уларнинг фаолиятида ходимларга ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлишлари ва улар **шилқимлик ҳолатларидан** ёки мажбурлаш ёки камситувчи, ғайриинсоний муомаланинг ҳар қандай шаклига учрамасликлари учун зарур сиёсат ва тадбирларни, шу жумладан, ҳар томонлама таҳлилни амалга оширишлари керак (21.1-тавсия).⁵⁰

Бу масала юзасидан ХМТ янги конвенциясининг қабул қилиниши энг муҳим ютуқ бўлди. 2019 йилнинг 19 – 20 июнь кунлари кўп йиллик муҳокамалардан сўнг Женевада **янги Меҳнат соҳасида зўравонлик ва шилқимликка барҳам бериш тўғрисидаги 190-сонли конвенция** ва Меҳнат соҳасида зўравонлик ва шилқимликларга қарши курашишга қаратилган тегишли тавсиялар қабул қилинди. ХМТнинг янги Конвенциясида меҳнат соҳасида «зўравонлик ва шилқимлик» мақсади, натижаси ёки мумкин бўлган оқибатлари жисмоний, психологик, жинсий ёки иқтисодий зарар етказиш бўлган хулқ-атворнинг қатор номақбул шакллари ёки уларни содир этиш амалиёти ва таҳдиди (бир маротаба ёки такрорланиш ҳолатидан қатъи назар)» сифатида таърифланади. Конвенцияда иш жойида аёлларга ҳам, эркакларга ҳам шилқимлик содир этилиши мумкинлиги таъкидланган.

Конвенциялар ва тавсиялардан ташқари ХМТ ушбу масала бўйича қўлланмалар ва таҳлилий материалларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор

⁴⁹ Ҳужжат матни билан куйидаги ҳавола орқали танишиш мумкин: https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---ed_norm/---normes/documents/normativeinstrument/wcms_386779.pdf

⁵⁰ Положить конец насилию и домогательствам в отношении женщин и мужчин в сфере труда. Доклад МКТ, 2018. https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---ed_norm/---relconf/documents/meetingdocument/wcms_620052.pdf

беради. Бу конвенция ва тавсияларни яхшироқ тушунишга ёрдам беради ҳамда уларни амалиётга татбиқ этиш учун услубий асос яратади. Хусусан, 2008 йилда Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси (ХКУК) касаба уюшмаларининг **гендер тенглиги бўйича қўлланмасини** чиқарди. Унда касаба уюшмаларининг иш жойидаги шахвоний шилқимликка қарши қандай курашишлари кераклиги ҳақида тавсиялар берилган. 2014 йилда Халқаро иш берувчилар ташкilotи (ХИБТ) **иш жойида зўравонлик масаласи бўйича таҳлилий материал тайёрлади**. Ушбу ҳужжатга кўра, иш берувчилар ўзларининг барча ходимларини хавфсиз иш жойлари билан таъминлашга мажбурдирлар. Ишдаги зўравонлик нафақат инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ масала, балки иқтисодий масала ҳамдир, чунки зўравонлик маҳсулдорликни пасайтиради, ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ёмонлаштиради ва ишдан кетиш, кадрлар алмашинуви ва бахтсиз ҳодисалар сонини оширади. Ҳужжат, шунингдек, меҳнат соҳасида кўп ҳолларда зўравонликни тавсифловчи гендер ўлчовини тан олади; у иш берувчининг бундай хулқ-атвор шакллариға қарши туришдан манфаатдорлигини таъкидлайди.

Халқаро миқёсда **Меҳнат гигиенаси бўйича халқаро комиссия** ишбилармонлар, мулкдорлар ва раҳбарлар учун **Меҳнат гигиенаси ва соғлиқни муҳофаза қилиш бўйича қўлланмани нашр этиб**, унда иш берувчиларға жисмоний зўравонлик, таҳдидлар, шилқимликлар, зарарли ҳазиллар, таъқиб ва таҳқирлашни тақиқлайди, шунингдек, «зўравонликка қарши» сиёсий чораларни кўришни тавсия этади (ИСОҢ, 2014).⁵¹

Гендер аудиторлари учун иш жойидаги шилқимликлар тўғрисидаги ХМТ ҳужжатлари билан танишиб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, гендер аудиторларини тайёрлаш ва гендерга оид аудит бўйича ўқиш ўқув курсига иш жойидаги шилқимликларнинг олдини олиш масалаларини ўрганиш ва ХМТнинг тегишли ҳужжатларини қўшиш муҳимдир.

⁵¹ Ҳужжат матни билан қуйидаги ҳавола орқали танишиш мумкин: https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---ed_norm/---relconf/documents/meetingdocument/wcms_554099.pdf

3.2. ИШ ЖОЙИДА ШИЛҚИМЛИККА БАРҲАМ БЕРИШ ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕРГА ОИД АУДИТНИ ЎТКАЗИШДАГИ ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ СИФАТИДА

Иш жойидаги шилқимликни бартараф этиш, бошқа кўплаб мамлакатларда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам гендерга оид аудитни ўтказишнинг вазифаларидан биридир. Гендерга оид аудит – иш жойидаги гендер номутаносибликлар ва камситишларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган сиёсат, амалиёт, жараён ва маълумотларни ҳар томонлама таҳлил қилиш. Мамлакат гендер тенглиги ҳолатини яхшилаш ва аёллар ҳуқуқларини мустаҳкамлашга фаол интилаётган Ўзбекистон шароитида бу жараён, айниқса, долзарб бўлиб бормоқда.

Гендерга оид аудит ўтказиш давомида иш жойида шилқимликнинг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, жумладан, қуйидагиларни аниқлаш муҳим:

- *ходимлар иш жойида шилқимлик ҳолатларига дуч келадиларми;*
- *ходимлар иш жойида шилқимликдан ҳимоя чоралари тўғрисида қанчалик хабардор;*
- *иш жойида шилқимликдан ҳимояланиш учун қандай олдини олиш чоралари кўрилган;*
- *иш жойида шилқимлик содир бўлган тақдирда барча тоифадаги меҳнаткашларни ҳимоя қилиш учун норасмий сектордагиларни ҳам инобатга олган ҳолда қандай чоралар кўзда тутилган;*
- *ҳимояга муҳтож тоифадаги меҳнаткашларни (масалан, мигрантларни) ҳимоя қилиш учун қандай чоралар кўрилган;*
- *иш жойида шилқимликка қарши қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиш нуқтаи назаридан иш жойлари ва меҳнат шароитларининг мониторинги олиб бориладими.*

Бу масалалар гендерга оид аудит доирасида индивидуал учрашувлар ўтказиш учун саволлар тўпламида акс этиши лозим. Сўровномада иш жойида шилқимликнинг олдини олиш масалаларига алоҳида бўлимни бағишлаш керак бўлади.

Гендерга оид аудит доирасидаги семинар давомида ходимларни иш жойида шилқимликдан ҳимоя қилиш бўйича миллий қонунчилик талаблари билан таништириш лозим. Семинар доирасида иш жойида

шилқимликнинг олдини олиш масалаларига алоҳида сессияни бағиш-лаш мумкин.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги⁵² ва «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги⁵³ Қонунларининг шу мавзудаги талаблари ҳақида батафсил маълумот берилиши лозим.



Иш берувчи меҳнат муносабатларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни рўёбга чиқариш мақсадида қуйидагиларни таъминлайди:

меҳнат муносабатларида шахсларнинг қадр-қимматини поймол қилишга олиб келувчи номақбул муомалага ёки камситувчи меҳнат шароитларини яратишга йўл қўйилмаслигини.

(«Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонун, 21-модда. Меҳнат муносабатларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари)



Меҳнат органлари:

- хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий дастурларни ҳамда қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;
- ишга жойлаштирилмаган хотин-қизларни ҳисобга олиш, уларнинг бандлигини таъминлаш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;
- **хотин-қизларга нисбатан иш жойларидаги тазйиқ ва зўравонлик ҳолларининг олдини олиш ҳамда хотин-қизлар билан ўзаро муносабатлар маданиятини юксалтириш бўйича мулк шаклларида қатъи назар ташкилотларда профилактика тадбирларини ўтказиши;**
- иш қидираётган ва оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан, оилавий муаммоларга ва зўрлик ишлатилишига дуч келган хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва касбга йўналтиришга қўмаклашиш чораларини кўради;

⁵² Ҳужжат матни билан қуйидаги ҳавола орқали танишиш мумкин: <https://lex.uz/docs/4494849>

⁵³ Ҳужжат матни билан қуйидаги ҳавола орқали танишиш мумкин: <https://lex.uz/docs/4494709>

- хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

(«Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун, 9-модда. Меҳнат органларининг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари)

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси



Шаҳвоний шилқимлик қилиш, яъни шахсга нисбатан унинг учун номақбул бўлган ҳамда унинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлайдиган, шахснинг ташқи қиёфасини ёки қадди-қоматини тавсифлашда, имо-ишора қилишда, тегинишда, чақиришда ифодаланган, шаҳвоний хусусиятга эга бўлган ҳаракатларни бир марта қўпол равишда ёки бир неча марта содир этиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса – базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

41¹-модда. Шаҳвоний шилқимлик қилиш

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси



Хизмат, моддий ёки бошқа жиҳатдан айбдорга қарам бўлган шахсни жинсий алоқа қилишга ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга мажбур этиш, уч юз соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

121-модда. Шахсни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш

Шундай қилиб, ушбу нормалар ходимларни иш жойидаги шилқимликдан ҳимоя қилишнинг қонуний асосларидир.

Гендерга оид аудит иш жойидаги камситиш ва шилқимликларга қарши курашда муҳим роль ўйнайди. У иш жараёнлари, сиёсат ва амалиётни гендер тенглиги ва камситмаслик нуқтаи назаридан тизимли ва мустақил таҳлил қилишни таъминлайди. Гендерга оид аудит, айниқса, самарадор бўлган асосий жиҳатларни:

1. **Муаммолар ва нотўғри қарашларни аниқлаш.** Гендерга оид аудит корпоратив маданиятда очиқ кўринмайдиган ёки сингиб кетган гендерга оид камситиш ва шилқимлик ҳолатларини аниқлашга ёрдам беради. Бунга иш ҳақи, лавозим кўтарилиши, вазифаларни тақсимлаш ва касбий тайёргарликдан ўтиш имкониятидан фойдаланиш кабиларнинг таҳлили киради.
2. **Ўқитиш ва хабардорликни ошириш.** Аудит ходимлар ва раҳбариятнинг гендер тенгликнинг аҳамияти тўғрисида хабардорлигини оширишга ёрдам беради. Аудит натижалари асосида ишлаб чиқилган ўқув дастурлари ва тренинглар ташкилотдаги гендер масалаларига муносабатни ўзгартиришни таъминлайди.
3. **Сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.** Гендерга оид аудит натижаларига кўра корхоналар камситиш ва шилқимликларни бартараф этишга қаратилган сиёсатни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши мумкин. Бунга шикоятлар ва уларни кўриб чиқиш учун аниқ тартибларни белгилаш, шилқимлик ва камситишларга нисбатан тоқатсизлик сиёсати ва барча ходимлар учун тенг имкониятларни таъминлаш чоралари киради.
4. **Мониторинг ва баҳолаш.** Гендерга оид аудит амалга оширилган ўзгаришларни мониторинг қилиш ва баҳолашни ҳам ўз ичига олади, бу ташкилотларга ижобий ўсишни кузатиш ва керак бўлганда тузатишлар киритиш имконини беради.
5. **Корпоратив маданиятни яхшилаш.** Узоқ муддатли истиқболда гендерга оид аудит янада инклюзив ва ўзаро ҳурматга асосланган иш муҳитига ҳисса қўшади, бу умумий корпоратив маданиятга ижобий таъсир кўрсатади ва ходимларнинг мамнунлигини оширади.

Шундай қилиб, гендерга оид аудит нафақат гендерга оид камситиш ва шилқимликларни аниқлаш ва бартараф этиш, балки иш жойида тенглик ва ҳурмат маданиятини тарғиб қилишнинг муҳим воситасидир.

Иш жойидаги шилқимликлардан ҳимоя қилиш муаммоси уни ҳал этишга комплекс ёндашувни талаб қилади. Қонунчиликни, шикоят қилиш ва тергов механизмларини такомиллаштириш, жиноятчиларни жавобгарликка тортиш ва шилқимликдан жабрланганлар учун товон пули тўлаш, хабардорликни ошириш ва мониторинг қилиш чораларини ўзида мужассам этган **Иш жойидаги зўравонлик ва шилқимликларга қарши курашиш бўйича комплекс стратегия зарур**. Стратегияни амалга оширишда барча давлат идоралари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, таълим муассасалари ва хусусий секторни жалб қилиш муҳимдир. Иш жойидаги шилқимликларга қарши самарали курашга тўсқинлик қиладиган стереотипларни йўқ қилиш керак. Шилқимликларга қарши кураш чоралари барча муассаса ва ташкилотларда, барча даражаларда амалга оширилиши лозим. Зўравонликнинг барча шакллариغا, шу жумладан, шилқимликларга нисбатан тоқатсизликни шакллантириш муҳимдир.⁵⁴

Иш жойидаги шилқимликларга қарши қонун ҳужжатларини қабул қилишдан ташқари кенг қамровли хабардорликни ошириш муҳим аҳамиятга эга. Хабардорликни ошириш фаолияти ташкилотнинг барча ходимлари ва раҳбарлари ўртасида иш жойидаги зўравонлик ва шилқимликлардан ҳимоя қилиш тўғрисида хабардорликни ошириш кампанияларини қуйидаги воситалар ёрдамида амалга оширишни ўз ичига олиши мумкин:

- *шилқимлик (харассмент) ва унинг оқибатлари, ходимларнинг хавфсиз муҳитга бўлган ҳуқуқлари масалалари бўйича ахборот материалларини тайёрлаш;*
- *гендер тенглиги ва аёлларга нисбатан зўравонлик, шу жумладан, шилқимлик (харассмент) бўйича тренинглар ва давра суҳбатлари ташкил этиш;*
- *ушбу мавзуга доир қарашни ўзгартириш учун эркак раҳбарларнинг иш жойидаги шилқимлик (харассмент) масалалари тўғрисида очиқ гапиришга рағбатлантириш ва ҳоказо;*

⁵⁴ Алиева К., Рахимова М. «Иш жойидаги шилқимлик: сабаблари ва олдини олиш бўйича тавсиялар» тадқиқоти натижалари. Тадқиқот доирасида иш жойида шилқимликка учраган ёки гувоҳи бўлган шахслар билан ўтказилган сўровнома ва норасмий интервьюлар натижалари. USAIDнинг Ўзбекистондаги Ҳуқуқий ислохотлар дастури, 2022 йил.

- *ижтимоий тармоқлар ва блогерлар салоҳиятидан кенг фойдаланиш;*
- *иш жойидаги шилқимликларни бартараф этиш бўйича теле ва радио дастурларни ташкил этиш;*
- *иш жойидаги шилқимликларни бартараф этиш бўйича ижтимоий видеолар яратиш;*
- *иш жойидаги шилқимликларни бартараф этиш бўйича газета мақолаларини тайёрлаш.*

Жамоа **шартномалари ва келишувлари матнларига шилқимликлардан ҳимояланишни кафолатлайдиган қоидаларни киритиш алоҳида йўналиш бўлиши мумкин.** Вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларда иш жойида шахвоний шилқимликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тўғрисидаги низомларни қабул қилиш амалиётини жорий этиш ёки баъзи нормаларни амалдаги ахлоқ кодексларига ёки иш жойидаги хулқ-атвор қоидаларига киритиш мақсадга мувофиқдир.

Тегишли бўлимларда Халқаро меҳнат ташкилотининг ёндашувига мувофиқ шилқимлик тушунчасига таъриф берилиши, камситиш, зўравонлик, шилқимликнинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан тоқатсизлик эълон қилиниши мумкин. Бундай ҳолатни бошдан кечирган шахслар томонидан қўлланилиши мумкин бўлган тартиб-қоидаларни, шунингдек, таркибида касаба уюшмалари ва талабалар бирлашмалари вакиллари мавжуд бўлган бу борадаги масалаларни ҳал қилишга ваколатли бўлган органни сайлаш/шакллантириш тартибини белгилаш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин; мавжуд тартиб-қоидалардан фойдаланувчи шахсларга нисбатан махфийлик кафолатлари таъминланиши мустаҳкамлаб қўйилиши лозим. Ташкилот маъмуриятига ходимлар ва раҳбарларни шилқимликка нисбатан тоқатсизлик сиёсати тўғрисида хабардор қилиш бўйича мажбуриятлар юклатилиши мумкин. Агар жамоа шартномасини тузишнинг иложи бўлмаса, касаба уюшмалари хавфсиз иш муҳитини сақлаш ва ташкилотларнинг бошқа идоравий ҳужжатлари матнларига киритилиши мумкин бўлган жинсга асосланган таъқибларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиши ва таклиф қилиши мумкин.

Касаба уюшмалари ҳам ташкилотларда зўравонлик ва шилқимликларнинг олдини олишда ва ташкилотнинг барча ходимлари учун хавфсиз муҳит яратишда муҳим роль ўйнаши мумкин. Ташкилот раҳбарияти ёки

касаба уюшмаси ташаббуси билан барча ходимларнинг инсон қадр-қимматини ҳурмат қилиши зарурлиги, зўравонлик ва шилқимликларга йўл қўйилмаслиги, биноларда ва ташкилотларнинг электрон ресурсларида хавфсиз ва уйғун муҳитнинг аҳамияти тўғрисида маълумот материаллар жойлаштирилиши мумкин. Шилқимликка қарши курашиш бўйича ички (касаба уюшмасининг) сиёсат ва таъқиб ва шилқимликлардан холи муҳит яратиш учун гендер тенглиги стратегиялари ишлаб чиқилиши мумкин. Бунинг учун касаба уюшмаси аъзолари ва раҳбарлари учун тегишли тренинглар ўтказиш муҳимдир. Касаба уюшмалари камситиш ва зўравонликка қарши курашадиган ННТ ва ташаббускор гуруҳлар билан зўравонлик ва шилқимликларни бартараф этиш ва ҳамма учун хавфсиз муҳитни таъминлаш бўйича қўшма тадбирларни ўтказиш каби масалаларда ҳамкорлик қилишлари мумкин.

Бундан ташқари, касаба уюшмалари гендер камситиш ва шилқимликка қарши курашишга қаратилган корпоратив сиёсат ва чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, муҳокама қилиш ва амалга оширишда фаол иштирок этишлари мумкин. Улар, шунингдек, жамоа шартномаларида камситиш ва шилқимлик бўйича «**ноль толерантлик**» қоидаларини киритишга эришишлари мумкин. Бундан ташқари, улар ташкилот ичидаги қоидалар ва сиёсатларга риоя қилиш бўйича мустақил кузатувчи вазифасини бажаришлари мумкин. Улар иш жойида камситиш ва шилқимлик тўғрисидаги шикоят ва ҳисоботларни тўплашлари, шунингдек, гендерга оид аудит бўйича тавсияларнинг бажарилишини назорат қилишда иштирок этишлари мумкин. Энг муҳими, касаба уюшмалари ташқи экспертларни жалб қилишга ёрдам бериши ва аудит жараёнининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашлари мумкин. Умуман олганда, касаба уюшмаларининг ушбу жараёнларда фаол иштирок этиши нафақат меҳнат шароитларини яхшилаш ва ишчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, балки янада адолатли ва тенг ҳуқуқли меҳнат муҳитини яратишга ёрдам беради.

Иш жойида шилқимликка қарши чоралар самарадорлигини мунтазам равишда мониторинг қилиб бориш муҳимдир. Бундай мониторинг гендерга оид аудитнинг бир қисми сифатида амалга оширилиши мумкин.

Гендерга оид аудит нафақат иш жойидаги камситиш ва шилқимлик муаммоларини аниқлайди, балки жинсидан қатъи назар, барча ходимлар

учун анча адолатли ва хавфсиз иш муҳитини яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Аудит натижасида олинган тавсияларни амалиётга самарали татбиқ этиш раҳбариятнинг масъулиятини ва бутун жамоанинг фаол иштирокини талаб қилади.



ИЛОВАЛАР

1-илова

ХОТИН-ҚИЗЛАР МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ ВА УЛАР ОРАСИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР ҲОЛАТИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА САВОЛНОМА

1. Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш ва улар орасида тадбиркорликни ривожлантиришга оид олиб борилаётган ишлар (таҳлилий, статистик ва бошқа маълумотлар).
2. Иқтисодий соҳада, тадбиркорлик соҳасида ҳамда тадбиркорликка оид ҳар қандай имтиёзлардан фойдаланишда хотин-қизларга яратиб берилган имкониятлар тўғрисида маълумот.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4235-сонли қарори асосида аёллар меҳнати тўлиқ ёки қисман қўлланилиши тақиқланадиган меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар рўйхати бекор қилинган.
4. Ҳозирда илгари тақиқланган қайси ишлар, касблар ва лавозимларда аёллар ишга қабул қилинмоқда? Мазкур бекор қилинган рўйхат бўйича соҳа, ишлар, касблар ва лавозимларга хотин-қизларни ишга қабул қилиш кўламини кенгайтириш юзасидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?
5. Корхона, муассаса ва ташкилотларда болани овқатлантириш учун қўшимча вақт ажратилиши тўғрисида жамоа шартномалари ва келишувларда қўшимча шартлар белгиланганлиги ва уларнинг ижро ҳолати.
6. Аёллар билан улар 60 ёшга тўлгунга қадар меҳнат шартномасини (шу жумладан, муддатли меҳнат шартномалари) бекор қилиш тўғрисидаги тақиқ иш берувчилар нуқтаи назаридан аёлларнинг меҳнати самарасига таъсир кўрсатдими (масалан, пенсия ёшига етган аёлларнинг қанчаси ўз аризаси билан меҳнат шартномасини бекор қилган, ишлаётган аёлларнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик билан боғлиқ ҳолатлари, ўз ҳисобидан таътил олиш ҳолатлари кўпайганми, буларни соҳалар ва касблар бўйича аниқлаш имконияти борми)?
7. Узоқ муддат бола парваришlash таътилида бўлган, мушкул иқтисодий аҳволга тушган аёлларни меҳнат бозорида талаб этилаётган касблар бўйича қайта тайёрлаш ва уларнинг ишга жойлашишига кўмаклашиш ҳолати.

8. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган аёлларни «хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари»га жалб қилиш ва тадбиркорлик фаолиятининг ташкил этилиши ҳолати.
9. Хотин-қизларнинг ўз бизнесини ташкил этиш ва юритиш кўникмаларини шакллантириш, бизнес ғояларини тайёрлашда консултив ёрдам бериш, шу жумладан, лойиҳа бизнес-режасини тайёрлаш, солиқ-қа тортишнинг турли режимларини танлаш ва қўллаш, бухгалтерия ҳисобини юритиш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ва бошқа йўналишлар бўйича ўқитишни ташкил этиш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳолати.
10. Тадбиркор хотин-қизларга маҳаллалардаги бўш турган бинолардан жой ажратилишига кўмаклашиш ҳолати.

2-илова

ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИ УЧУН КОРХОНА, ТАШКИЛОТ ВА МУАССАСАЛАРДА ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАН ИШ ЎРИНЛАРИДА МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИ ЯРАТИЛИШ ҲОЛАТИ БЎЙИЧА САВОЛНОМА

1. Ўрганилган ташкилотлар сони
2. Ташкилотда ишловчи аёллар сони
3. Меҳнат шароити ноқулай ишларда ишлаётган аёллар сони, улардан:
 - ерости ишларида ишлаётган аёллар сони
4. Тиббий кўриқдан ўтган аёллар сони, улардан:
 - зарарли, хавфли омиллар таъсирида ишловчи аёллар
 - ҳомиладор ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар
 - тунги ишларга жалб қилинган аёллар
5. Зарарли, хавфли омиллар таъсирида ишловчи аёлларнинг:
 - меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқлар берилиши, ўқитилиши ва билимлари синалганлиги
 - махсус кийим, махсус пойабзал ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланганлиги
 - даволаш-профилактика озиқ-овқати билан таъминланганлиги

- 6.* Ташкилотда маиший-санитария хоналари мавжудлиги (кийимхона, ювиниш, аёлларнинг шахсий гигиена хоналари) ва уларнинг ўрнатилган меъёрларга асосан жиҳозланганлиги
- 7.* Аёлларнинг улар учун мумкин бўлган нормадан ортиқ юкни кўтаришлари ва ташишлари ҳолати
8. Жорий йилда ташкилотга ишга кирган касб-ҳунар коллежларини битирган қизлар сони
- 9.* Касб-ҳунар коллежи битирувчилари учун ишлаб чиқариш амалиёти-ни ўташ даврида иш ўринларининг хавфсизлиги таъминланганлиги
10. Касб-ҳунар коллежи битирувчилари ишга кирганда дастлабки тиббий кўриқдан ўтказилганлиги
11. Аниқланган камчиликлар юзасидан иш берувчига киритилган таклифлар ва тақдимномалар сони – ундаги бандлар сони
12. Меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларни бузганликда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги талаблар билан тегишли органларга мурожаат қилингани сони

Изоҳ:

Маълумот ҳар ой якуни бўйича 30-санасигача тақдим этилади.

6* – кимёвий (зарарли моддалар), биологик, физик омиллар баҳоланиши ва улар мавжудлиги, йўл қўйилган меъёрларга мувофиқлиги ҳақида ёзиш зарур;

7* – Аёлларнинг белгиланган нормадан ортиқ юкни кўтариш ҳолати аниқланганда, ташкилотнинг номи ва у ерда мазкур иш билан банд бўлган аёллар сони кўрсатилиши керак.

9* – Касб-ҳунар коллежи битирувчилари учун ишлаб чиқариш амалиёти-тини ўташ даврида иш ўринларининг хавфсизлиги таъминланганлиги ўрганилганда санитария қоидалари, меъёрлари талаблари бузилиш ҳолати сони кўрсатилади ва қандай камчиликлар аниқланганлиги илова қилинади.

Ўрганиш жараёнида СанПиН 0115-01, 0141-03, 0175-04, 0184-05, 0203-06, 0224-07, 0222-07, 0248-08, 0269-09, 0324-16, 0325-16, 0326-16 сонли санитария қоидалари ва меъёрлари талабларига эътибор қаратиш зарур.

3-илова

ГЕНДЕРГА ОИД АУДИТНИ ЎТКАЗУВЧИ МУТАХАССИСЛАР УЧУН АМАЛИЙ ЎҚУВ СЕМИНАРИ ДАСТУРИ ЛОЙИҲАСИ

Ўтказиш вақти 20__ йил _____ соат _____

Ўтказиш жойи: Тошкент шаҳри Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси
Малака ошириш институти

Ташкилотчилар: Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси, Адлия вазирлиги,
Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги
Оила ва хотин-қизлар қўмитаси

Иштирокчилар: **Марказий студияда:** гендерга оид аудитни ўтказувчи мутахас-
сислар, вазирлик, идора ва ташкилотлар, Тошкент шаҳар масъул
ходимлари (*Жами _____ нафар*)
Худудий студияларда: касаба уюшмалари инспекторлари, ген-
дер масалалари бўйича тренерлар, вазирлик, идора ва ташки-
лотларнинг худудий тузилмалари масъул ходимлари

Таклиф этилганлар: Оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотла-
ри вакиллари (*жами _____ нафар*)

Ўтказиш шакли: аралаш (анъанавий ва масофавий)

АСОСИЙ ҚИСМ

09:30 – 10:00 Иштирокчиларни рўйхатга олиш

АМАЛИЙ ЎҚУВ СЕМИНАРИНИНГ БОРИШИ

Модератор Меҳнат инспекцияси бошлиғи, Ўзбекистон касаба уюшмалари Феде-
рацияси раиси ўринбосари

10:00 – 10:20 **Кириш сўзи**
Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Хотин-
қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари

-
- 10:20 – 10:40** «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (ЎРҚ-809) мазмун-моҳияти
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор
-
- 10:40 – 11:00** Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш масалалари, эришилган натижалар ва устувор вазифалар
Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси
-
- 11:00 – 11:20** Давлат хизматида гендер тенгликни таъминлаш масалалари ҳамда гендер сегрегациясини бартараф этиш чоралари
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги бош инспектори, ю.ф.н., PhD доктори
-
- 11:20 – 11:40** Ўзбекистонда гендер статистикаси
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги бошқарма бошлиғи
-
- 11:40 – 12:00** Меҳнат муносабатларида гендер тенгликни таъминлаш: муаммо ва ечимлар
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси аппарати Юридик бўлими мудири
-
- 12:00 – 12:20** Гендер тенгликни таъминлаш ва БМТ қўмитаси тавсияларини амалга ошириш масалалари
Юристар малакасини ошириш маркази Оммавий-ҳуқуқий фанлар кафедраси доценти, ю.ф.н.
-
- 12:20 – 12:40** Гендерга оид терминологиянинг хотин-қизлар ижтимоий ҳолатини яхшилашга қаратилган имкониятлари
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети профессори, Ўзбекистонда гендер муаммолари бўйича биринчи тилшунос
-
- 12:40 – 13:00** Савол-жавоблар, муҳокамалар
-
- 13:00** Тадбирни якунлаш
-
- 13:00 – 13:30** Кофе-брейк
-

4-илова

ЛОЙИҲА

ГЕНДЕРГА ОИД АУДИТНИ ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Гендерга оид аудитни ўтказиш услубияти (бундан буён матнда Методика деб юритилади) «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.
2. Мазкур Услубият Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан давлат органлари ва ташкилотларида жамоатчилик назорати доирасида гендерга оид аудитни ўтказиш тартибини белгилайди.
3. Ушбу Услубиятда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:
 - **гендерга оид аудит** – давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида, шу жумладан, кадрлар сиёсатини олиб боришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиш ҳолатини, шунингдек, гендерга доир комплекс ёндашувни ўрганиш ва баҳолаш;
 - **гендерга доир комплекс ёндашув** – давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ўз фаолиятини, шу жумладан, кадрлар сиёсатини олиб боришни хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ ташкил этиш.
4. Қуйидагилар гендерга оид аудитнинг асосий вазифалари ҳисобланади:
 - давлат органлари ва ташкилотларида хотин-қизлар ва эркаклар сонининг нисбатини ўрганиш;
 - давлат органлари ва ташкилотлари ўз фаолиятини гендерга доир комплекс ёндашув асосида ташкил этганлиги ҳолатини ўрганиш;
 - хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиш ҳолатини баҳолаш;
 - Гендер маслаҳат кенгашлари фаолиятини таҳлил қилиш;
 - хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.
5. Гендерга оид аудит тасдиқланган уч йиллик режага асосан Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан давлат органлари ва ташкилотларида жамоатчилик назорати доирасида ўтказилади.
6. Гендерга оид аудитни ўтказиш режаси Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича Республика комиссияси томонидан тасдиқланади.

2-боб. Давлат органлари ва ташкилотларида жамоатчилик назорати доирасида гендерга оид аудитни ўтказиш

7. Давлат органлари ва ташкилотларида гендерга оид аудитни ўтказиш бўйича тадбирлар ўтказишга тайёргарлик кўриш тартиби Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан белгиланади.
8. Гендерга оид аудитни ўтказишга тайёргарлик Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиш ҳолатини, шунингдек, гендерга доир комплекс ёндашувни ўрганиш ва баҳолаш ўтказиш режасини ишлаб чиқишдан бошланади.
9. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси гендерга оид аудитни ўтказиш режасини тайёрлаш жараёнида:
 - тегишли мутахассислардан иборат таркибда ишчи гуруҳ ташкил қилади;
 - ижро этилиш ҳолатини ўрганиш назарда тутилаётган хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик нормаларининг таҳлилини ўтказиш;
 - норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиш доирасини ҳамда у билан тартибга солинадиган муносабатларни аниқлайди;
 - давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан ҳужжатлар, экспертлик ва бошқа хулосаларни, статистик ва бошқа маълумотларни сўраб олади;
 - қонунчиликнинг ижро этилиш амалиётини ўрганиш учун зарур бўлган бошқа ҳаракатларни амалга оширади.
10. Гендерга оид аудитни ўтказиш режасида:
 - саволнома тузиш ва уни юбориш муддатлари;
 - ишчи гуруҳ таркиби;
 - жойларга чиқишнинг тахминий санаси;
 - хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиш ҳолатини ўрганиш ўтказиладиган давлат органлари ва ташкилотлари доираси;
 - хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиш ҳолатини ўрганиш тартиби;
 - хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиш ҳолатини, шунингдек, гендерга доир комплекс ёндашувни ўрганиш тамомландиган тахминий сана;
 - гендерга оид аудит натижаларига доир ахборот ва таклифлар лойиҳаларини тайёрлаш муддатлари;

- гендерга оид аудит натижаларига доир ахборот ва таклифларни Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясига юбориш муддатлари ва бошқа масалалар белгиланади.
- 11.** Саволнома тузишдан асосий мақсад:
 - хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиш ҳолати, шунингдек, гендерга доир комплекс ёндашувни ўрганишда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси фаолиятининг йўналишларини;
 - хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик билан тартибга солинадиган муносабатларни;
 - хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиши билан боғлиқ бўлган амалдаги ҳолатнинг қонунчилик нормаларига мувофиқлигини;
 - хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик амал қиладиган шахслар доирасини;
 - хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик нормаларини амалга оширишда давлат органлари ва ташкилотларининг ваколатларини ва бошқаларни аниқлашдан иборат.
 - 12.** Саволномани тузиш ижро этилиш амалиётини ўрганиш режалаштирилган тегишли қонунчилик нормаларини таҳлил қилиш натижалари асосида амалга оширилади.
 - 13.** Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан тузилган саволнома олдиндан тегишли давлат органлари ва ташкилотларига юборилади.
 - 14.** Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиш ҳолатини бевосита ўрганиш учун Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ишчи гуруҳ тузилади.
 - 15.** Ишчи гуруҳ таркибига Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси марказий аппарати ходимлари, гендерга оид аудит ўтказиш соҳасида зарур билимга ва иш тажрибасига эга бўлган мутахассислар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва илмий доираларнинг вакиллари ва бошқалар киритилади.
 - 16.** Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси марказий аппарати ходими ишчи гуруҳ раҳбари бўлади.
 - 17.** Давлат органлари ва ташкилотларининг мансабдор шахслари ишчи гуруҳ жўнаб кетадиган сана ҳақида олдиндан хабардор қилинади.

18. Ишчи гуруҳ раҳбари ишчи гуруҳнинг ҳар бир аъзоси учун иш участкасини белгилаб беради.
19. Ишчи гуруҳ аъзолари ишчи гуруҳ раҳбари билан келишган ҳолда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиш ҳолати ўрганиладиган давлат органи ёки ташкилоти мансабдор шахсларидан зарур материаллар ва ҳужжатларни, шунингдек, бошқа маълумотларни сўраб олишлари мумкин. Ишчи гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ўзи амалга оширган ишлар ҳақида маълумот тайёрлайди, бу маълумотлар кейинчалик якуний ахборотга киритилади.
20. Ишчи гуруҳ ўрганилиши керак бўлган масалалар сонига қараб кичик гуруҳларга бўлиниши мумкин. Ишчи гуруҳ раҳбари ишчи гуруҳ аъзолари орасидан кичик гуруҳ раҳбарини тайинлайди. Ҳар бир кичик гуруҳ ўз ишининг натижалари ҳақида алоҳида маълумотнома тайёрлайди. Кичик гуруҳлар тайёрлаган маълумотномалар асосида ахборот ва таклифлар тузилади.
21. Ишчи гуруҳ ўтказган ўрганиш натижалари тўғрисидаги ахборотда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:
 - давлат органи ёки ташкилотида хотин-қизлар ва эркаклар сонининг нисбати ҳақида;
 - давлат органи ёки ташкилоти ўз фаолиятини гендерга доир комплекс ёндашув асосида ташкил этганлиги ҳолати ҳақида;
 - давлат органи ёки ташкилотида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиш ҳолати ҳақида;
 - давлат органи ёки ташкилотида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича таклифлар;
 - бошқа маълумот.
22. Ишчи гуруҳ томонидан тайёрланган умумий ахборот ишчи гуруҳ раҳбари, ишчи гуруҳ аъзолари ва тегишли давлат органи ёки ташкилоти раҳбарлари томонидан имзоланади.

3-боб. Гендерга оид аудитнинг натижаларини кўриб чиқиш

23. Гендерга оид аудит натижаларига доир ахборот ва таклифлар гендерга оид аудит ўтказилганидан кейин Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясига ўн иш кунидан кечиктирмай юборилади.
24. Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси гендерга оид аудит натижаларига доир ахборотни ва таклифларни бир ой ичида кўриб чиқади.

25. Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси гендерга оид аудит натижаларига доир ахборотни ва таклифларни кўриб чиқиш якунлари бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига, шу жумладан, кадрлар сиёсатини олиб боришда гендерга доир комплекс ёндашувни босқичма-босқич жорий этишга қаратилган чора-тадбирларни белгилайди ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилади.
26. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши, шунингдек, гендерга доир комплекс ёндашувни ўрганиш натижалари кўриб чиқиляётганда Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси мажлисига манфаатдор давлат органлари ва ташкилотлари, илмий муассасалар, оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари, олимлар, мутахассислар ва экспертлар таклиф этилади.
27. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиш амалиётини ўрганиш натижаларига доир ахборот ва таклифлар кўриб чиқиляётганда Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясининг мажлисида ишчи гуруҳ аъзолари ва тегишли ўрганиш ишлари олиб борилган давлат органи ёки ташкилоти раҳбари ҳозир бўлиши шарт.
28. Гендерга оид аудит натижалари тўғрисидаги ахборот Ўзбекистон Касаба уюмлари Федерациясининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.
29. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиш ҳолатини ўрганиш натижаларига доир ахборот ва таклифлар бўйича қабул қилинган Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясининг қарори тегишли давлат органлари ва ташкилотларига у қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида юборилади. Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясининг қарори оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши мумкин.

4-боб. Якунловчи қоидалар

30. Услугиятга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, уни ўз кучини йўқотган деб топиш Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси қарори асосида амалга оширилади.

5-илова

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИДА ГЕНДЕРГА ОИД АУДИТНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА УЧ ЙИЛЛИК РЕЖА ЛОЙИХАСИ

№	Давлат органлари ва ташкилотлари номи	Аудит ўтказиш муддати	Жалб этиладиган мутахассислар таркиби	Аудит натижаларига доир ахборот ва тақлифларни тайёрлаш муддатлари	Ахборот ва тақлифларни Республика комиссиясига киритиш муддати
1.	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, унинг тузилмавий ташкилотлари ва қўйи тузилмалари	2023 йил IV чорак	ЎзКУФ, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Адлия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, ННТМА	2024 йил 10 январь	2024 йил 15 январь
2.	Транспорт вазирлиги, унинг тузилмавий ташкилотлари ва қўйи тузилмалари	2024 йил I чорак	ЎзКУФ, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Адлия, Иқтисодиёт ва молия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, ННТМА	2024 йил 10 апрель	2024 йил 15 апрель
3.	Қамбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, унинг тузилмавий ташкилотлари ва қўйи тузилмалари	2024 йил II чорак	ЎзКУФ, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Адлия, Иқтисодиёт ва молия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, ННТМА	2024 йил 10 июль	2024 йил 15 июль
4.	Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, унинг тузилмавий ташкилотлари ва қўйи тузилмалари	2024 йил III чорак	ЎзКУФ, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Адлия, Иқтисодиёт ва молия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, ННТМА	2024 йил 10 октябрь	2024 йил 15 октябрь

5.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, унинг тузилмавий ташкилотлари ва қўйи тузилмалари	2024 йил IV чорак	ЎзКУФ, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Адлия, Иқтисодиёт ва молия вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, ННТМА	2025 йил 10 январь	2025 йил 15 январь
6.	Ички ишлар вазирлиги, унинг тузилмавий ташкилотлари ва қўйи тузилмалари	2025 йил I чорак	ЎзКУФ, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Адлия, Иқтисодиёт ва молия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, ННТМА	2025 йил 10 апрель	2025 йил 15 апрель
7.	Мудофаа вазирлиги, унинг тузилмавий ташкилотлари ва қўйи тузилмалари	2025 йил II чорак	ЎзКУФ, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Адлия, Иқтисодиёт ва молия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, ННТМА	2025 йил 10 июль	2025 йил 15 июль
8.	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, унинг тузилмавий ташкилотлари ва қўйи тузилмалари	2025 йил III чорак	ЎзКУФ, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Адлия, Иқтисодиёт ва молия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, ННТМА	2025 йил 10 октябрь	2025 йил 15 октябрь
9.	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, унинг тузилмавий ташкилотлари ва қўйи тузилмалари	2025 йил IV чорак	ЎзКУФ, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Адлия, Иқтисодиёт ва молия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, ННТМА	2026 йил 10 январь	2026 йил 15 январь
10.	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, унинг тузилмавий ташкилотлари ва қўйи тузилмалари	2026 йил I чорак	ЎзКУФ, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Адлия, Иқтисодиёт ва молия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, ННТМА	2026 йил 10 апрель	2026 йил 15 апрель

11.	Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, унинг тузилмавий ташкилотлари ва қўйи тузилмалари	2026 йил II чорак	ЎзКУФ, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Адлия, Иқтисодиёт ва молия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, ННТМА	2026 йил 10 июль	2026 йил 15 июль
12.	Ташқи ишлар вазирлиги, унинг тузилмавий ташкилотлари	2026 йил III чорак	ЎзКУФ, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Адлия, Иқтисодиёт ва молия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, ННТМА	2026 йил 10 октябрь	2026 йил 15 октябрь
13.	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, унинг тузилмавий ташкилотлари ва қўйи тузилмалари	2026 йил IV чорак	ЎзКУФ, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Адлия, Иқтисодиёт ва молия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, ННТМА	2027 йил 10 январь	2027 йил 15 январь

6-илова

ИШЧИ ГУРУХ АЪЗОЛАРИ ЎРТАСИДА ТАРМОҚ ЗОНАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАҚСИМЛАШ

№ Ишчи гуруҳдаги вазирлик ва идора номи	Тақдим этадиган ҳужжати мазмуни
1. Адлия вазирлиги	Фаолиятга оид норматив-ҳуқуқий ва бошқа норматив ҳужжатларнинг меҳнат қонунчилиги бўйича гендер экспертизасини амалга ошириш.
2. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги	Иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича таҳлилий ахборот тайёрлаш, бунда ҚМҚ, ШНҚ, СанҚваМ соҳага оид меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари талаблари инobatга олиниши зарур.
3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Ходимларнинг тиббий кўриқдан ўтказилиши ҳолати, шу билан бирга, алоҳида тоифадаги ходимлар бўйича қўшимча таҳлилий маълумотнома.
4. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги	Таълим муассасаларининг иқтисодиёт ва молия йўналишлари бўйича битирувчиларнинг умумий таҳлили, шу жумладан, аудит ўтказилаётган вазирликка ишга жойлашиши ҳолати. Жами ходимларнинг малака ошириши, билимлар синови ва бошқа ходимлар салоҳиятини ошириш билан боғлиқ ўқувлар ҳақидаги таҳлилий маълумотлар.
5. Савдо-саноат палатаси	Барча йўналишдаги тайёрланадиган ҳужжатларни иш берувчилар нуктаи назаридан кўриб, иқтисодий-таҳлилий маълумотнома тайёрлаш.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизмати ривожлантириш агентлиги	Кадрлар салоҳияти ва қўнимлилиги ҳолати таҳлили.
7. Оила ва хотин-қизлар қўмитаси	Гендер маслаҳат кенгашлари фаолиятини ўрганиб, таҳлил этиш. Хотин-қизлар ва эркаклар сонининг нисбатини аниқлаш бўйича таҳлилий маълумотлар.
8. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	Хотин-қизлар ва эркакларнинг меҳнатига ҳақ тўлашнинг касб ва лавозимлар кесимида таҳлили.
9. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси	Меҳнат муносабатлари иштирокчиларининг ижтимоий шериклиги таҳлили.

Изоҳ: Тақдим этиладиган барча таҳлилий ҳужжатлар жадвал ва ёзма матн кўринишида бўлиши керак.

7-илова

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИГИНИ ЎРГАНИШ УЧУН САВОЛНОМА

Давлат органлари ва ташкилотларида хотин-қизлар ва эркаклар сонининг нисбатини ўрганиш

1. Давлат органлари ва ташкилотларида хотин-қизлар ва эркаклар сонининг нисбатини аниқлаш бўйича

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз фаолиятини гендерга доир комплекс ёндашув асосида ташкил этганлиги ҳолатини ўрганиш

1. Меҳнат шартномасига киритилиши шарт бўлган шартлар (1-изоҳ)
2. Ишга қабул қилиш чоғида дастлабки синов белгиланиши ҳолати, тоифалар кесимида (2-изоҳ)
3. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қоидалари, лавозим йўриқномалари (3-изоҳ)
4. Жамоа шартномасининг мазмуни ва тузилиши (4-изоҳ)
5. Ички меҳнат тартиби қоидалари (5-изоҳ)
6. Бошқа норматив ва маҳаллий ҳужжатлар (6-изоҳ)

Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги қонунчиликнинг ижро этилиш ҳолатини баҳолаш

1. Ишга қабул қилишда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуққа эгаллиги таъминланганми? (ЎЗР Конституцияси 37-модда)
2. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда ҳақ тўланиши жорий қилинганми? (ЎЗР Конституцияси 42-модда)
3. Ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш ҳолатларига йўл қўйилмаганми? (ЎЗР Конституцияси 42-модда (МК 392-модда) Агар рад этилган бўлса, рад этиш сабаблари кўрсатилган ва ўз вақтида жавоб берилганми? (МК 163-, 392-модда)
4. Ташкилотнинг фаолиятини белгиловчи қонуности ҳужжатларида мажбурий меҳнатнинг тақиқланиши назарда тутилганми? (ЎЗР Конституцияси 44-модда)
5. Ташкилотнинг фаолиятини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ходимларнинг дам олишлари, ҳақ тўланадиган ҳар йилги меҳнат таътиллари берилиши жорий этилганми? (ЎЗР Конституцияси 45-модда)

6. Ташкилотда хотин-қизлар ва эркакларнинг меҳнат қилишида бир хил ҳуқуқ ва эркинликлар яратилганми, камситиш ҳолатларига йўл қўйилмаганми? (МК 4-модда)
7. Ходимларнинг жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ҳолати ва мансаб мавқеи, яшаш жойи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублигига қараб бирон-бир тўғридан-тўғри ёки билвосита чекловлар белгиланганми? (МК 4-модда)
8. Имтиёзлар фақат қонунга мувофиқ белгиланганми, бирор-бир тўғридан-тўғри ёки билвосита имтиёзлар берилганми? (МК 4-модда)
9. Ташкилотда иш берувчи томонидан ходимлар учун хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитлари яратилганми? (МК 352-модда)
10. Иш берувчилар томонидан аёллар учун йўл қўйиладиган энг кўп нормадан ортиқ бўлган оғир юкларни кўтариш ва ташишлари тақиқланишига амал қилинганми? (МК 393-модда)
11. Тиббий хулосага мувофиқ ҳомиладор аёллар энгилроқ ишга ўтказилганми? Ишлаб чиқариш нормалари камайтирилганми? Аввалги ойлик иш ҳақлари сақланганми? (МК 394-модда)
12. Икки ёшга тўлмаган бола парваришини амалга ошираётган ота-онадан бири (васий) аввалги ишини бажариши мумкин бўлмаган тақдирда бошқа ишга ўтказилганми ва аввалги иши бўйича ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ойлик иш ҳақи белгиланганми? (МК 395-модда 1-қисми)
13. Иш берувчида бошқа иш бўлмаган тақдирда бола парваришlash нафақаси тўланганми? (МК 395-модда 2-қисми)
14. Ҳомиладор аёллар, ўн тўрт ёшга тўлмаган боланинг (ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боланинг) ота-онасидан бири (ота-онасининг ўрнини босувчи шахс) иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ва ишланмайдиган байрам кунларидаги ишларга жалб қилинганда ва хизмат сафарига юборилганда улардан розилик аризаси олинганми? Иш берувчи улардан воз кечиш ҳуқуқлари борлигини тушунтирганми? (МК 396-модда)
15. Уч ёшга тўлмаган боланинг бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотларда ишлайдиган ота-онасидан бирига (васийсига) ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган иш вақти давомийлиги белгиланганми? (МК 397-модда)
16. Ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган болани тарбиялаётган ота-онадан бирига ой ҳисобига қўшимча бир дам олиш куни берилганми? (МК 399-модда)

17. Ҳомиладор аёлларга ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга йиллик меҳнат таътилларини бериш навбатини белгилашдаги имтиёзларга риоя қилинганми? (МК 400-модда)
18. Ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боланинг ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боланинг ота-онасидан бирига (ота-она ўрнини босувчи шахсга) ҳар йили давомийлиги камида тўрт календарь кун бўлган ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилмоқдами? (МК 401-модда)
19. Ўн икки ёшга тўлмаган икки нафар ва ундан ортиқ боланинг ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боланинг ота-онасидан бирига (ота-она ўрнини босувчи шахсга) уларнинг хоҳишига кўра ҳар йили иш ҳақи сақланмаган ҳолда давомийлиги камида ўн тўрт календарь кун бўлган таътил берилмоқдами? (МК 402-модда)
20. Иш берувчи ҳомиладор аёлларга бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида антенатал (туғуруққача) парваришlash (перинатал скрининг ва ташхис, мажбурий тиббий кўриклар ва бошқа мажбурий тиббий муолажалар) учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча бўш кунлар бермоқдами? (МК 403-модда)
21. Икки ёшга тўлмаган боланинг ота-онасидан бирига (васийсига) дам олиш ва овқатланиш учун танаффусдан ташқари болани овқатлантириш учун қўшимча ҳар уч соатда 30 минутдан иборат ёки 1 соатли танаффуслар берилмоқдами, танаффуслар иш вақтига киритилиб, ўртача иш ҳақи сақланмоқдами? (МК 407-модда)
22. Аёллар меҳнатини муайян соҳа ва касбларда қўллаш бўйича тақиқлар бекор қилинганми? (ПҚ-4235-сон, 1-банд)
23. Бола парваришlash таътилининг камида уч ойи ота томонидан фойдаланилган тақдирда, ота ёки онадан бирига қўшимча бир ой нафақа тўланадиган бола парваришlash таътили берилганми? (ПҚ-4235-сон, 1-банд)
24. Икки ёшга тўлмаган фарзандини тарбияловчи ота-оналарнинг бирига кун давомида фойдаланиладиган танаффус вақти белгиланганми? (ПҚ-4235-сон, 1-банд)
25. Иш берувчилар томонидан «2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида»-ги қарор ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар ҳолати (СҚ-297-IV-сон, 5-банд)
26. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ўз тизимидаги ходимлар орасида хотин-қизларнинг улушини ошириш бўйича қабул қилган чора-тадбирларининг натижадорлигини танқидий таҳлил қилган ҳолда уларни

камида 30 фоизга етказиш бўйича қўшимча чоралар белгилаганми? Бунда олий таълим муассасалари битирувчиларининг танлов асосида вазирлик (идора) ҳамда унинг қуйи тузилмаларида стажировка ўташи йўлга қўйилиб, иш режимлари хотин-қизлар учун мослашувчан этиб белгилаш масалалари инобатга олинганми? (КҚ-570-IV-сон 12.09.2023 й. 6-банд)

Амалга оширилган ишлар тўғрисида 2023 йилнинг 1 декабрига қадар Сенатга ахборот киритилганми? (КҚ-570-IV-сон 12.09.2023 й. 12-банд)

27. Жаҳон банки билан «Аёллар, бизнес ва қонун» индекси натижалари муҳокамасига бағишланган ўқув семинари ташкил этилганми? (КҚ-572-IV-сон 12.09.2023 й. ЧТР 3-банд)
28. Гендер маслаҳат кенгашлари фаолияти йўлга қўйилиши.

8-илова

САВОЛНОМАЛАРНИНГ НАМУНАВИЙ ШАКЛЛАРИ

1. Идора раҳбарияти билан танишув суҳбатини ўтказиш саволномаси

1. Раҳбарият гендер қонунчилиги билан танишми?
2. Ходимларнинг гендер тенглик масалаларидан хабардорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар кўриладими? Гендер масалалари бўйича тренингларда қатнашиш тажрибаси мавжудми?
3. Раҳбариятда ва раҳбарлик лавозимларида аёллар улуши қандай?
4. Умуман, ходимлар орасида аёллар улуши қандай?
5. Аёллар учун имтиёзлар кўзда тутилганми? Ҳомиладор аёллар учунчи? Болали аёллар учунчи?
6. Жинс бўйича тақсимланган маълумотлар тўпланадими? Бу маълумотлардан қандай фойдаланилади?
7. Гендер тенглик масалалари билан боғлиқ бирорта лойиҳа амалга ошириладими?
8. Ходимлар бошқа идоралар ташкил этган гендер масалаларига оид тадбирларда қатнашадими?
9. Ўзингиз гендер масалалари бўйича тадбирлар ўтказасизми?
10. Гендер масалалари бўйича ахборот идора сайтига жойлаштириладими?
11. Идора гендер сиёсатини амалга оширишга жалб қилинганми?
12. Идорада гендер стратегия ва гендер кенгаши мавжудми?

2. Гендерга оид аудит давомида идора ходимлари билан индивидуал суҳбатлар ўтказиш саволномаси

1. Гендер қонунчилигининг асосий талаблари ва Ўзбекистон гендер сиёсатининг асослари билан танишмисиз?
2. Жамоада аёллар ва эркеклар улуши қандай?
3. Жинсий камситиш ҳолатларига дуч келганмисиз? Бу нимада намоён бўлган?
4. Муайян жинсга мансублигиниз тўғрисида карьерда ўсишга тўсқинликларга дуч келганмисиз?
5. Иш жойида шилқимликка дуч келганмисиз?
6. Жинс белгиси бўйича бирор имтиёзлар ёки афзалликлардан фойдаланасизми?
7. Гендер масалалари бўйича тренингларда қатнашиш тажрибасига эгамисиз?
8. Жамоангизда гендер масалалари бўйича бирорта тадбир ўтказиларми?

9-илова

САВОЛНОМАДА КЎРИБ ЧИҚИЛГАН МАВЗУЛАРНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ШАРҲИ

1-изоҳ

Меҳнат шартномасига киритилиши Ззарур бўлган шартлар қуйидагилардан иборат:

- иш жойи – ходим шартномада шарт қилиб кўрсатилган меҳнат вазифасига кўра меҳнат фаолиятини амалга оширадиган иш берувчи (ташкilot, унинг алоҳида бўлинмаси ёки жисмоний шахс), шунингдек, ходим меҳнат қилиши керак бўлган жой;
- меҳнат вазифаси – муайян касб, мутахассислик, малака ёхуд лавозим бўйича иш, шунингдек, ходимга топшириладиган ишнинг аниқ тури;
- ишнинг бошланиш санаси – ходим меҳнат шартномасида шарт қилиб кўрсатилган ишни бажаришга киришиши керак бўлган календарь сана;
- меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари (шу жумладан, ходимнинг тариф ставкаси ёки маоши миқдори, қўшимча тўловлар, устамалар ва рағбатлантирувчи тўловлар);

